Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

36 сон 8 — 14 сентябр, 2005 йил

ЭРТАНГИЗ ЧИРОЙЛИ БЎЛСИН

Агар оила аъзолари ўзаро аҳил бўлсалар, шу ҳовлида қуриб ётган ўтинлар ҳам кўкариб, файзу барака, бахт ва тинчлик шу уйни тарк этмас экан.

Чилонзор тумани, Оқтепа маҳалласида яшайдиган Лола опа билан Ботир ака Ёқубовнинг хонадони ҳам шундай хонадонлардан.

Ботир ака меҳнатни ҳарф терувчиликдан бошлади. Яхши инсонлар ва яхшиликлар қуршовида яшаб келмоқда.

- Ботир ака, сиз ҳам отасиз, отангиз берган ўгитларни эслай оласизми?

- Минг афсус, раҳматли отамни эслай олмайман. Бу мен учун армон бўлиб қолган. Унинг меҳрини қўмсабми, ота касбидан бордим. Отамнинг дўстларининг ўгитлари, насиҳатларини тинглаб кам бўлмадим.

- Демак, аввало ҳар кимнинг устози яхши бўлиши керак экан-да, шундайми?

- Албатта, аввало ўғиллар учун ота, қизлар учун она устоз бўлиши, билмаганини ўргатиши ва жамиятга киришга тайёрлаб бориши керак. Мен кейинчалик пединститутни сиртдан битириб, отам ишлаган нашриётга техник муҳаррир бўлиб ўтдим. Устозларимга минг раҳмат, улардан ҳануз миннатдорман. «Фан» нашриёти директори Наримон Ҳотамов, матбуотчилар жуда яхши танийдиган муҳтарам Зиёд ака Есенбоев каби устозларнинг ўгиту насиҳатлари билан яшадим. Оддий ишчиликдан нашриёт рахбари лавозимигача етиб, 45 йил шу соҳада меҳнат қилдим. Кам бўлмадим.

- Фарзанд тарбиясида қандай йўл тутдингиз?

- Аввало ота сифатида чиройли насиҳатлар қилиб, сўнг ҳар бирига зарур бўлган маслаҳатларни берардим. Қаттиққўллик болани зада қилиб қўяди. Улар ота-онадан қочадиган, ёлғон гапирадиган бўлиб қолишади. Худога минг қатла шукр. Тўрт нафар фарзандим мактабда яхши ўқишди. Жуда одобли бўлиб ўсишди. Улар мактабни битирганида мен уларга мос касблар танлашни маслаҳат бердим. «Шундай касб танлангларки, бировга ёрдамингиз текканда: - "Отангизга раҳмат!"- дейишсин. Ана шунда мен сизлардан хурсанд бўламан. Яна ҳалол ва ўз касбингизнинг пири бўлишга интилинг. Севмаган касб эгалари кейинчалик хор бўладилар», - дердим. Ҳаммаси олий маълумотли бўлишди. Ўғилларимдан Нодир билан Бахтиёр Ички Ишлар соҳасида ишлайдилар. Қодир эса тадбиркор. Қизим Лобар онасига ўхшаб тиббиётни танлади.

- Келинларингиз билан қандай муносабатдасиз? Айрим хонадонларда оила бузилишига кўпинча қайнона-қайноталар сабаб бўлади?

- Муътабархон, Наргизахон, Нигорахон деган келинларим, яъни, қизларим бор. Бир қизим тўртта бўлди. Келинлар қизингиздан ҳам яқин, жон-жигар бўлиб кетар экан. Уччови ҳам ўқимишли, бир-биридан қолишмайди.

Севимли ёзувчимиз, Саид Аҳмад: "Инсон ёшликда нима қилса ҳам ярашади. Аммо, ҳар кимнинг эртаси, яъни кексалиги чиройли, тўкин бўлсин»,-деган иборани кўп қайтаради. Бунга эришиш учун эса йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиб, қобил фарзандларни тарбиялай билиш керак.

Ботир ака билан Лола опалар эса мана шу вазифани кўнгилдагидек қилиб бажаришди. Энди эса, фарзанду набиралар даврасининг тўрида ўтиришади. Ортда қолган йиллар уларга мана шундай ажойиб кексаликни инъом этди.

ГУЛБАШАКАР

НИКОҲ—МУҚАДДАС

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Шоҳиста ПЎЛАТОВА шундай дейди:

- Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ёшларга ўз ҳаёт риштасини боғламоқчи бўлган инсоннинг саломатлиги ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини берди. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар психик, наркологик, таносил, сил касалликлари ва ОИВ-ОИТС бўйича тиббий кўрикдан ўтади. Бу амал албатта ўз самарасини бермай қолмаяпти. Туманимиз мисолида кўрадиган бўлсак, 2004 йилнинг ярим йиллигида 116та ажрим бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 54тани ташкил этди. Таҳлилларга кўра ажримлар кўпинча, фарзандсизлик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик оқибатлари сабабли бўлмоқда. Шунингдек, қизларни вояга етмасидан узатиш, уларнинг жисмонан ва маънан никоҳга тайёр эмаслиги ҳам оиланинг парчаланишига олиб келмоқда. Бўлимимизда бу борада махсус тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари ва маҳаллалар фаол аёллари ўзларининг мазмунли маъруза ва суҳбатлари, маслаҳатлари билан ёшларга маънавий озуқа бермоқдалар. Албатта, бу суҳбатлар ёш келин-куёвларга ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам беради.

- Биз ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мақсадида ота-оналар ва келин-куёвларнинг хоҳишларини инобатга олган ҳолда никоҳни тўй ўтказиладиган жойда қайд этишни йўлга қўйдик. Хонадоннинг файзи, оила аъзоларининг муваффақиятлари, турмушининг фаравонлиги асосан хотин-қизларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам аёлларнинг оиладаги мавқеига алоҳида эътибор бериш керак. Аксарият ҳолларда оилалар қонуний никоҳдан ўтмай масжидда никоҳ ўқиттириб яшайверади. Фарзанд туғилгач эса қонуний никоҳ йўқлиги учун давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмай бизга мурожаат қилишади. Бу ҳам майли, баъзида бундай никоҳларнинг ажралиши аёлларимизга жабр бўлмоқда. Қўлида боласи билан бошпанасиз, арзини кимга айтишини, кимдан нажот топишни билмай зор қақшаб қолган аёллар ҳам йўқ эмас. Бу борада қилинажак вазифалардан энг муҳими, биринчи навбатда ёшлар онгида ҳуқуқий маданият тушунчасини шакллантиришдир. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Оила қуришга тайёрмисиз?», «Шарқ аёли», «Аёл ва ҳуқуқ», «Оила ва никоҳ» мавзуларида давра суҳбатларини ташкил этяпмиз.

Хуллас, мақсадимиз—оила мустаҳкам бўлсин. Фаолиятимизнинг асос-мазмуни шунга қаратилган.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳаётимизнинг фаровонлигини таъминлайди, фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб етишувида муҳим омил бўлади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА...

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги вакили ва Республика Хотин-қизлар қўмитасининг қўшма лойиҳаси асосида барча вилоятларда "Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш" мавзусида икки босқичдан иборат семинарлар ўтказилмоқда.

Яқинда Навоий вилоятида Республика хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Саёҳат Ибрагимова ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги вакиллиги малакали тренерлари Алишер Исломов ва Татьяна Зокировалар раҳбарлигида ана шундай семинар бўлиб ўтди. Семинарда тадбиркорликка оид қонунчиликдаги ўзгаришлар, чет эл билан ишлаш тартиби, меҳнат қонунчилиги , шартнома турлари ҳақида тушунча ва сабоқ берилди. Семинар якунида 25 нафар тингловчига сертификатлар топширилди.

* * *

Навоий вилоятида Зулфия номидаги Давлат мукофоти юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, туман, шаҳар мукофотга тавсия этиш комиссияларининг масъулиятини оширишга бағишланган семинар - мулоқот бўлиб ўтди. Семинарда ушбу мукофотга тавсия этишда қизларнинг ҳақиқий иқтидори ва истеъдодига алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

МАТЛУБА

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-табдирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарори юзасидан кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда мустақиллик байрамининг 14 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳридаги маҳаллалар диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, кам таъминланган ва иқтисодий ночор оилалар вакиллари Муқимий номли театрнинг "Бобур соғинчи" спектакли намойишига таклиф этилдилар.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир кўнгилли дам олиб маданий ҳордиқ чиқаришлари учун хотин-қизларга энг яхши совға бўлди. Аёллар нафақат спектаклни томоша қилдилар балки, санъаткорлар билан учрашиб, дилдан суҳбат қурдилар.

Феруза ОРИПОВА

ЮРАКДА ШИДДАТ БЎЛСА...

Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони чиққандан буён бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Фармон ижроси бўйича Самарқанд вилоят хотин-қизлар қўмитасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қаҳрамонларимиз ана шу ҳақда сўз юритадилар.

Гавҳар Худойбердиева—вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

«Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил», дейишади. Нотинч оилалар, тарбияси оғир болаларни қаттиқ назоратга олганмиз. Ахир ҳар хил оқимларга мойиллик, деган нарсалар мана шу оиладаги тарбиянинг «шаклу шамойилига» боғлиқ-да. Ички ишлар ходимлари, тиббиёт ходимлари, ўрни келганда ижодкорлар билан бориб маҳаллаларда бу борада савол-жавоб кечалари ва суҳбатлар ўтказамиз. Намунали оилаларни «ҳар томонлама» ёрдамга муҳтож оилаларга бириктирганмиз. «Хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, оилавий ажримлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш» бўйича чора-тадбирлар дастурини ҳам ишлаб чиққанмиз ва амалий ишларни бошлаб юборганмиз. Оилавий муаммоларни ҳал қилиш учун маҳаллаларда яраштирув гуруҳлари бор. Аёлнинг уйида қачон нотинчлик бўлади. Агар оилада бекорчи одам бўлса... Шу боис аёлларни иш билан банд қилиш ниятида янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилаяпмиз. 20 дан ортиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. «Тадбиркор аёллар уюшмаси», «Умид» жамғармаси, «Аёл» маркази, «Ҳуқуқшунос аёл» ассоциацияси, «Ногирон аёл» маркази, «Иқтисодчи аёл», «Кутубхоначи» сингари кўплаб уюшмалар бу борада фаолият кўрсатаяпти. Ярим йил ичида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва касаначилик ҳисобига 1389та аёлнинг фаолият юргизишига ёрдам бердик.

«Уй бизнесингни бошла» дастури асосида 55 нафар ишсиз аёл тадбиркорлик асосларига ўқитилмоқда.

Шу билан бирга айрим туманларда маҳалла маслаҳатчилари иш фаолияти самарасини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Уларнинг иш фаолиятларини яхшилаш мақсадида алоҳида хоналар, жиҳозлар, кўргазмалар, адабиётлар ва алоқа хизмати билан таъминлаш чораларини кўраяпмиз. Чунки, уларнинг ишидаги муваффақият халқимизнинг фаровонлиги, тинчлиги, тўқлиги демақ!

Ҳамрочучук Остонова - Самарқанд тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

- Ташвиқот-тарғиботларимиз самараси ўлароқ, кейинги 3 йил давомида оналар ўлими қайд этилмади. "Сиҳат-саломатлик йили" Дастури асосида хотин-қизларимиз ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам уларнинг ҳаётига ижобий таъсир қилмоқда. Бу борада 97 маҳаллада фаолият кўрсатаётган диний маслаҳатчиларимизнинг хизматлари беқиёс. "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан "Навбоғчиён" маҳалласи маслаҳатчиси Сарвара Мавлонова "Энг намунали маслаҳатчи" республика танлови ғолиби бўлиши ҳам қувончимизга қувонч қўшди. Опа кўп йиллар вилоят Дорилфунунида етакчи олима, хотин-қизлар қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган. Бугун ҳам ўша тажрибалари асқотиб, у маҳалладаги 1848 нафар хотин-қизнинг ишонган "Опа"сига айланган. Кексалар, болалар, "ётоқлаб" қолган хасталар Сарвара опанинг диққат марказида. Ҳар бир хонадоннинг кам-кўсти ҳақида ярим тунда уйғотиб сўрасангиз ҳам янглишмай айтиб бера олади.

Яна кўнглимда бир орзу бор: бугунги кунда туман ҳудудида айрим хотин-қизларимиз уй шароитида тикувчилик, нонвойлик, қандолатчилик, сартарошлик, деҳқончилик, чорвачилик сингари норасмий иш билан бандлар. Уларнинг имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, келажакда кексалик нафақасига чиқишларига эришсак, дейман...

Мўътабархон Йўлдошева - Тойлоқ тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

- Очиғи, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. Оилаларнинг мустаҳкам бўлиши учун "тиббий кўрикдан ўтиш" ни қатъийроқ йўлга қўйилишига эътиборни қаратганмиз. Марказий шифохона ва ФҲДЁ бўлими ходимларининг масъуллигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари жойларга бориб никоҳланувчилар билан ўқув машғулотлари ўтказишларини мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, дин вакилларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида оила - никоҳ масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш, никоҳ бўйича диний маросимларни фақат қонуний никоҳдан сўнггина амалга оширишни тушунтираяпмиз.

Туманимизда ақидапарастликка мойил аёллар ҳам учраб туради. Жорий йилда 12 нафар аёл жиноятга қўл урганлиги ҳам кўнглимизнинг "чандиғи". Шу боис маҳалла маслаҳатчисининг тайинланиши айни муддао бўлди. Улар билан ҳафтада бир марта йиғилиб, суҳбатлашамиз. Фаол кўчабошилар ҳам маслаҳатчилар билан баб-баравар ишлашади. Муаммоларимизни биргалашиб ечамиз. Жумладан, Тансиқ Мажидова, Хурсан Исрофилова, Ўғилой Равшанова, Кубарро Махсумова сингари маслаҳатчиларимиз олиб бораётган ишлар ҳақида мамнунлик билан гапириш мумкин.

Муҳтарама Сувонова - Ургут тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

- 350 мингдан зиёд аҳолининг 176767 нафари хотин-қизлар. Бизнинг оғриқ нуқтамиз - 31 та ёлғиз аёл ва 12673 та кам таъминланган оилалар. Улар ҳам ҳаётда қийналмай яшашлари учун барча имкониятни ишга солганмиз. 537 хотин-қизни эса ижтимоий ҳимояга олиб, 154 аёлга ишсизлик нафақаси тўланаяпти.

Бош мутахассис Роҳила Мамадаминова билан маҳаллаларга чиқиб, маслаҳатчиларнинг иши билан танишиб келамиз. Улар бизнинг ишончли бўғинимиз бўлгани учун ҳам хонадонлардаги аҳвол-руҳият бизга "бор бўйи билан" етиб келади. Етим-есирларнинг тўйини қилиб бериш, ногиронларнинг ҳаётига файз киргизишдек савоб ишдан қочмайдиган тадбиркорларимиз бисёр. Уларга суянамиз.

Шу ўринда "Баҳрин" маҳалласи маслаҳатчиси, меҳнат фахрийси, азалдан мураббийлик ҳадисини олган Марҳабо Мавлонова ҳақида қувониб гапирсак арзийди. Бу маҳаллада "қўйди-чиқди", уриш-жанжалнинг ўзи йўқ. Маслаҳатчи опамиз яқинда 48 нафар аёлни тарихий қадамжоларга зиёратга олиб бориб келди. У 13, 96-мактабларни ҳам оталиққа олган. Ўқувчи қизларнинг яқин сирдошига айланган. Булар дарёдан қатра. Бундай маслаҳатчиларимизнинг сафи кенг.

Адолат Аҳророва - Паст Дарғом тумани ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси:

- Бизда болалар спортига эътибор кучли. Яқинда "Отам, онам ва мен" спорт мусобақасини ўтказдик. 20 маҳалладан 80 га яқин спортчи қатнашиб, Худойназаровлар оиласи 1-ўринни, (2-ўринга муносиб номзод топилмади) Нурбоевлар оиласи 3-ўринни олишди. Н.Эшматова Самбо бўйича Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллади.

ДЗЮДО ва кураш бўйича Х. Ҳолиқова республика мусобақаларида яхши натижаларга эришди. Фарзандларимизнинг соғлиғи диққат марказимизда. Вақти-вақти билан аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилганмиз. Ҳар бир оиланинг уйида кўкаламзорлаштириш ва озодалик қай йўсиндалигини назорат қилиб турамиз. Саломатлик бўлса, иш унумли, кайфият баланд бўлади.

Ишчаннинг қўли ўнта бўлса, ўновига ҳам иш топади. Самарқанддек муборак Ватан тупроғини гуллатаётган хотин-қизларимизнинг кўнглидаги шиддат ўлмасин, деймиз.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг V-Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича доимий ишлайдиган комиссиянинг 2005 йил 2 августдаги йиғилиши баённининг бажарилиши ҳақида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова маъруза қилди.

Юқоридаги Фармон ва қарорда белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, Хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференцияларида кўтарилган муаммоларнинг ечимини таъминлаш бўйича қабул қилинган ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИНГ 2005 йил 1-ярмида бажарилиши тўғрисида, 2005 йил 2 августдаги йиғилиш баённининг 6-банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳудудий қўмиталар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 2005 йил 31 декабргача мўлжалланган режаси тўғрисида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова маъруза қилди. Бутунжаҳон Хотин-қизлар Пекин конференцияси натижалари ҳақида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раис ўринбосари М. Пўлатова маъруза қилди.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда янги нашр этилган "Ватан" журнали тақдимоти ҳам ўтказилди.

Ўз мухбирларимиз.

- "Оила ва жамият" орқали инсон руҳиятидаги туманлар тарқалиб, муаммолар ечим топади. Газета 7 ёшдан 70 ёшгача мушкул лаҳзаларда ёрдамга келади,- дейди Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номли мактабнинг она-тили ва адабиёт ўқитувчиси Маҳмуда Валиева.

САНОБАР

Яхшилардан сўз очдик

САДОҚАТ СИЙРАТИ

Хадича опа Қурбонтурдиева билан бир жамоада ишлаймиз. Оғир-босиқ, камсуқум, мулоҳазали бу аёл минг ўйлаб бир сўзлайдиганлар тоифасидан.

Мана ўн йилдирки, Хадича опа вилоят махсус кўзи ожизлар кутубхонасида услубиятчи бўлиб ишлайди. Кўзи ожизлар билан ишлаш учун тушунувчанлигу, бағрикенглик талаб этилади. Хадича опада ана шу фазилатлар мужассам бўлиб, ўз касбига сидқидилдан ёндошиб, ишлаб келмоқда. Қалби кемтиклар дардига малҳам бўлиб келаётган Хадича опани ҳаммамиз ўзимизга сирдош, деб биламиз. Онамиз каби азиз бўлган бу инсон ширин сўзлари, насиҳатлари билан бизни эзгуликка етаклайди. Кўзимизнинг нури ҳам шу оқила инсонга ўхшаш аёллар эмасми?

Хадича опа беш нафар фарзандининг севимли онаси, ибратли бека, суюкли ёр. Турмушга чиқиб, орадан олти ой ўтгач, у кишининг умр йўлдоши автоҳалокатга учраб, оёғидан жудо бўлади. Бироқ, Хадича опа ҳеч ҳам тушкунликка тушмай, ёрини бахт майидан сархуш қилиб келмоқда. Бу муқаддас аёл муҳаббат тимсолию садоқат сийратидир.

Моҳира БЎРИЕВА,
Термиз шаҳри.

САВОЛ БЕРИНГ...

Саволларга ҳуқуқшунос Фарҳод ЖУМАЕВ жавоб беради.

САВОЛ: Турмуш ўртоғим билан ажрашганман, иккита фарзандим бор. Унинг ҳозирги хотинидан ҳам битта ўғли бор. Яқинда эримнинг отаси қазо қилибди. Ундан қолган мол-мулкда фарзандларимнинг ҳақи борми?

Зуҳра БОБОЕВА, Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1112-моддасига асосан ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Собиқ турмуш ўртоғингизнинг отаси мерос-ни кимга васият қилган бўлса, меросга ўша киши эга бўлади. Васиятнома бўлмаган тақдирда мазкур Кодекснинг 1140- моддасига асосан бола, невара, чевара, эвара ҳам меросдан улуш олиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқий дарсхона

САВОЛ: Узоқ текширувлардан кейин суддан оқланиб чиқдим. Бу менинг кейинги фаолиятимда тамға бўлмайдими?

Ориф САЛИМОВ, Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: Йўқ. Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 77-моддасига биноан суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади ва бу ҳеч қандай ҳуқуқий ҳолат келтириб чиқармайди.

САВОЛ: Кўп қаватли бинонинг биринчи қаватида тураман. Айвоннинг (балкон) ёнидан яна хона қўшиб олсам бўладими? Ҳовли айлантирсам-чи?

Мансур БОТИРОВ, Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 124-моддасида кўрсатилишича кўп қаватли уйдаги турар жойларнинг мулкдорлари уйга туташ ер участкасидан, ободонлаштириш элементларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Сиз амалга оширмоқчи бўлган иш ўша кўп қаватли уйда яшовчи барча мулкдорларнинг бир овоздан қабул қилган қарори ва маҳаллий ҳокимиятнинг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

САВОЛ: Қўйларимни чўпон боқиб юрарди. Шу йил қишнинг оғир келиши сабабли қўйларимнинг 20 таси нобуд бўлибди. Аммо чўпон ўзини айбдор деб билмасдан, тўлашдан бош тортмоқда. Мен нима қилишим керак.

Маъмуржон СОДИҚОВ, Бухоро вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 985-моддасига асосан зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Сиз туман фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

Матлуба ШУКУРОВА тайёрлади.

Тарбия соати

БОЛАМ ПУЛ СЎРАЯПТИ

Бозор иқтисодиёти дарвозалари кенг очилиши билан жамиятда рўй бераётган янгиланишлар одамлар онгида турфа ўзгаришлар юзага чиқди. Ана шундай ижтимоий масалалардан бири — оилада болаларга иқтисодий ёндошув, уларнинг пулга бўлган муносабатини ижобий равишда шакллантириш ва бу борада комил инсон бўлиб етишишларини таъминлашдир.

Эрта тонгдан боғчага отланаётган болажонлардан тортиб, мактаб ёки бошқа ўқув масканларига шошилаётган катта-ю кичик ўғил-қизларимиз ота-онага мурожаат қиладилар: "Ойижон, пул беринг"...

Хўш, болаларга чўнтак учун пул бериш керакми? Агарда "ҳа" дейдиган бўлсангиз, уни неча ёшдан бошлаб берган маъқул? Пулни қайси ёшдан бошлаб, қанча миқдорда, қандай муддатларда (ҳар куни, ҳар ҳафта ёки ойда бир марта) бериш лозим? Ота-она бола пулни нималарга сарф-ҳаражат қилаётганини назорат қилиши керакми? Болаларга одатдагидан ортиқ, қўшимча пулни қачон бериш мумкин? Оила бюджетини болалар билан муҳокама қилиш ва бирон-бир келишимга келиш ўринлими.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги саволлар кўпчилик ота-оналар ва педагогларни безовта қилади.

Қадимда бир донишманд ёшгина ўғлига маълум миқдорда пул бериб, рўзғор учун бозордан қозонга солинувчи нарсаларни харид қилиб, сўнгра қўлидаги пулни беками-кўст қайтариб олиб келишни тайинлаганлиги ҳақидаги бир ривоят бор. Йигитча аввалига отасининг бу топшириғидан ажабланади. Ота ўғли бозордан қайтгач, харид қилинган нарсаларни бирма-бир назардан ўтказиб: "Балли ўғлим, берган пулимни қайтариб олиб келибсан", дейди. Йигитга ана шундагина отаси айтган сўзда ҳикмат яширин эканлигини англайди.

Тадқиқотчилар фикрича, ёшларнинг ўз молиявий масалаларини бошқариш қобилияти, уларнинг бу борада болалик даврида орттирган тажрибасига бевосита боғлиқ экан. Инсон болаликданоқ пулдан қандай фойдаланишга ўргатилиши керак. Бундай тарбия кўрган одам келгусида мустақил равишда маблағ топиб, оиланинг молиявий ҳолатини яхшилашни уддалай олади. Болаларни иқтисодий жиҳатдан билимдон бўлишининг муҳим омилларидан бири эса чўнтак учун ота-она томонидан бериладиган пулдир.

Кўплаб оилаларда, болаларга бериладиган чўнтак пули ва боланинг мустақил равишда пул ишлаб топиши масаласига икки хил назар билан қаралади. Бир томондан, кўпчилик пул болани "бузади", деб қоралайди. Иккинчи томондан, аксарият ота-оналар учун пул ва совғалар, болалардан "қутулиш"нинг энг содда ва қулай йўлидир. Гўёки, шу билан ўзларининг тарбия бериш вазифаларини бажаргандек бўладилар.

Болага бериладиган чўнтак пулини белгиланган муддатда мунтазам берилмаслиги ва боланинг сарф-ҳаражат учун мўлжалланган пул миқдорини олдиндан аниқ белгилаб қўйилмаслиги айнан ўша икки хил муносабат натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ота-онасининг кайфияти ёки молиявий шароитига қараб турли миқдордаги пулни яличи оладиган бола келгусида ўзининг сарф-ҳаражатларини режалаштириш ва оқилона иш юритишга эмас, балки ота-онаси ёки бошлиғининг кайфиятига боғланиб қолган, қўл чўзувчи муте одамга айланади.

Болаларда иқтисодий тасаввурларнинг шаклланишида ота-оналарнинг тарбияси шаксиз муҳим омилдир. Аммо, баъзи оилаларда бу борада нотўғри йўналиш берилади. Масалан, айрим болаларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ тутсангиз, қуйидагиларни эшитасиз:

- Отамнинг айтишларича, ҳалоллик билан бойиб бўлмасмиш,- дейди ўсмирлардан бери.

- Биз бой яшаганимиз учун менинг ўртоқларим кўп экан, бўлмаса... - дея гапни давом эттирди иккинчиси.

- Уйимиздагилар пул топишнинг алоҳида "сири" бор дейишади. Бошқалар "пул қилишни" билади, биз эса - йўқ, - дейди маъюсланиб яна бири.

- Камбағал бўлиб туғилдингми, камбағал бўлиб дунёдан ўтасан - бу тақдир, - ойим, адам айтдилар, пул фақат ўғри ва жиноятчиларда бўларкан... - ўз фикрини баён қилади кейинги ўсмир.

Булардан кўриниб турибдики, уйдаги фикрлашув ҳам боланинг шаклланишида катта роль ўйнайди. Француз олими Д.Лассаренинг фикрича, болаларга бериладиган чўнтак пули оилада молиявий масалаларни муҳокама қилиш билан қўшиб олиб борилган тақдирдагина самарали усул бўлиб хизмат қилиши мумкин экан. Унинг фикрича, бола улғайиб бориши билан боғлиқ ҳолда ота-она томонидан бериладиган чўнтак пулининг мақсад-маъноси ҳам ўзгариб боради. Унинг ўсиб бораётган талабларини назорат қилиш учун қўл келади.

Хорижлик болалар психологи К.Девис ва Р.Тейлорнинг "Болалар ва пул" номли оммабоп китобидан ота-оналар учун болаларга чўнтак пули бериш масаласидаги тавсияларини келтириш ўринлидир:

1.Чўнтак пулини болага 6-7 ёшидан бериш мумкин.

2.Аввало болага нима учун пул берилаётганини тушунтириш керак ва бола уни қандай сарфлаши ҳақида шартлашиб олмоқ керак.

3.Пул миқдори боланинг ёши билан бирга кўпайиши лозим.

4.Ёш болаларга пулни ҳафтада белгилаб қўйилган кунда, ўспирин ёшидагиларга эса ойда бир маротаба бериш мумкин.

5.Чўнтак пулининг берилиши боланинг хулқи ва баҳоларига боғлиқ бўлмаслиги ҳамда жазо ўрнида бекор қилинмаслиги керак.

6.Бола пулни муддатидан олдин ишлатиб қўйганлиги сабабли ҳар доим бериб турилади-ган пулнинг миқдорини оширмаслик зарур.

7.Берилган пулни бола ўз хоҳишича ишлатишига имкон бериш керак.

8.Болани уйда бажарадиган вазифалари бўлиши лозим ва уларни мунтазам равишда тартибли бажариб турғани учун ҳам чўнтак пули миқдорини оширмаслик лозим.

9.Ҳар йили (масалан, туғилган куни, байрамларда) чўнтак пулининг миқдори ва болага юклатиладиган вазифалар ошиб бориши керак.

Хулоса қилиб айтганда, болаларга боғча ёшидан иқтисодий тушунчаларни бериб бориш лозим. Мактаб ўқувчиси бўлганидан сўнг эса, ҳафта ёки ойда бир маротаба белгиланган кунда тайинли миқдорда пул бериб туриш мумкин. Пули бола нималарга ишлатаётганини ота-она назорат қилиб бориш керак. Бола улғайиб бораркан, уни оила маблағи билан албатта таништириши лозим. Шундай йўл тутиш керакки, бола келгусида пулга ҳурмат назари билан қарасин, қадрини билсин. Булар болани оила маблағини асраш ва билиб сарфлаш, унга даромад қўшиш, молиявий масалаларни пишиқ-пухта режалаштириш ҳамда пулни ўз ўрнида исрофсиз ишлатишга ўргатади. Тежамкор одам аввало оилада, ишда ва шубҳасиз жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ўз бахтини топиши муқаррардир. Ахир ким ҳам фарзандларининг ана шундай бахтли ва барокатли бўлишини истамайди дейсиз.

Маъмура ҚОСИМОВА, Тошкент шаҳар молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи психологи.

ТАҚДИРИМНИ ЎЗИМ ЯРАТДИМ...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Отам эса ўша куни биғиллаб ётган чақалоққа, яъни, менга қайрилиб ҳам қарамаган. Чунки у аллақачон бошқа аёлга уйланиб олган экан.

Онамнинг маъракасига келган Пошшахон ая, деган аёлнинг менга жуда раҳми келибди. Шу ердаги аёлларга ялиниб мени ўзига ўғил қилиб уйига олиб кетибди. Буни қарангки бефарзанд бу аёл менгача учта чақалоқни боққан экан. Лекин, уларнинг ҳаммаси ёшига етмай ўлиб қолаверишибди. Мени ҳам ўлиб кетади деб ўйлаганлар.

- Нега энди, кичкина чақалоқ бўлганингиз учунми?

- Йўқ, гап менда эмасди. Балки Пошшахон ая менгача боқиб олган болалар ўлиб қолавергани учунми? Одамлар ана шуни кўзда тутишган бўлса керак.

Тутинган онам мени яхшилаб парваришлагани учун, полапондек бола бўлиб ўсибман. Кўрганларнинг ҳаваси келар экан. Ўша онам бор меҳрини менга тутди. Мактабни битиргач, ҳозирги педагогика университетига ўқишга кирдим. Жуда тиришқоқ эдим. Биринчи марта стипендия олган куним икки қўллаб онамга тутдим. У хурсанд бўлиб, йиғлаб юборди.

- Мана, кўриб қўйинглар менинг болам ҳам пул олиб келди... Оллоҳга минг қатра шукр! - дея йиғлади онам.

Мен энг кўп белгиланган стипендияни олардим. Бунинг устига бўш пайтларимда ишлардим. Ўқишни битиргач Қибрайдаги 65- мактабда ишладим.

- Муътабар опа билан яшаган 50 йиллик ҳаётинглар ҳақида ҳам гапириб беринг. Аччиқ-чучук кунлар ҳам бўлгандир?

- Ҳаммасини бошдан ўтказдик. Айниқса, онам Пошшахоннинг ўлимидан кейинги даврни эсласам эзилиб кетаман. Онамнинг вафотидан кейин кўчада қолдим. Унинг опа-сингиллари келишиб раҳматли онам келинга атаган сарполар-ю, пулларни, ҳатто менга атаб олиб деворга осган гиламигача олиб кетиб қолишди. Турар жойсиз қолганимни эшитган шу кўчада турадиган Нажим ака уйидан жой берди. Мен ўқишдан келиб унинг уй-ишларига қарашардим. У тикувчи бўлгани учун келган мижозларининг олдига чой-пой қуйиб кутиб олардим.

Шу кишиникида яшаб, уйландим. Уйланишим ҳам ажойиб бўлди. Ҳеч кимим йўқ бўлгани учун совчиликка ҳам Нажим ака билан бирга борганман. Ўзимга мос қизларнинг кўпининг юришгуришларини кузатиб юрардим. Қодир ака менга маҳаллада уч нафар қизи бор аёл борлигини, қизлардан бири эса тиббиёт институтида ўқишини айтиб қолди. Оқшомда совчиликка бордик, ҳовлига кирганимизда икки қиз сочини ювaётган экан. Буларнинг узун сочлари тўсиб турган юзларини кўра олмадим. Ҳовли оддийгина бўлса-да, минг хил гуллар яшнаб, очилиб турар, жуда ораста эди.

Хуллас, тақдирим шу хонадоннинг Муътабархон исмли қизига боғланган экан. 1955 йилда турмуш қурдик. У кишининг тоғаси менга ер олиб берди.

- Кейин уй қурдингизми?

- Ҳа, ҳозир яшаб турган уйимизни тийинлаб пул йиғиб, тиклаб олдик. Шу уйда эллик йилдан ортиқ яшаб, уч нафар фарзанд ўстирдик. Уларни олий маълумотли қилдик. Катта қизим Дилором онасига ўхшаб шифокор. Тошкентдаги 6 - поликлиниканинг бош шифокори, Гулнора эса Ю-Ражабий номидаги махсус мусиқа мактабининг директори, ўғлимиз Маҳмуд эса иқтисодчи. Болаларимиз билан фахрланамиз. Набираларимиз ҳам жуда зукко, истеъдодли.

- Кўз тегмасин, иккингиз ҳам жуда тетиксизлар. Бунинг бир сири борми?

- Бунинг жуда кўп сирлари бор, айтаймi?

- Албатта айтинг! Бизнинг мухлисларимиз ҳам шунга амал қилишар...

- Аввало ҳар ким турмушга чиқмоқчи бўлса эркакни, уйланмоқчи бўлса аёлини тўғри танлай билиши керак. Акс ҳолда ҳаёти уқубатда ўтади. Тўғри, ҳаётимиз силлиқкина ўтди, десам муболаға бўлар. Аммо, ҳамиша жуфтингизни ардоқласангиз, ҳеч бўлмаганда бир ҳафтада бир марта дилдан суҳбатлашсангиз бас.

- Кел, умр йўлдошим, мендан хатолар ўтмаятими? Қайси ишларим учун кўнглинг оғриди? Кўнглингни ранжитган бўлсам узр, деган сўзлар ҳар бир аёл кўнглини осмон қилади, менимча.

Бугунги кунда ёшим етмишдан ошди. Муътабархон аянгиз билан тенгмиз. Турмуш қурганимизга ҳам 50 йил бўлибди. Эллик йил дилни-дилга бериб яшаш осон эмас. Лекин, сабр-тоқат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. Ўтган умримиздан розимиз, мана, набираларимиз кўриб, ҳар бир кунимизга шукроналар айтиб яшаяпмиз

- Турсунхўжа ака билан Муътабар опа газетамизнинг энг садоқатли мухлисларидан. Баҳорда, ёзда турли доривор шифобахш ўтлардан дасталаб бизга олиб келишади. Турсунхўжа акани кузатарканман, "Илоё, таҳририятимизга кун ора келиб турадиган мана шундай табаррук одамларнинг қадами остонамиздан узилмасин!"-дея ният қилдим.

БАСИРА

БИР-БИРИМИЗНИ СЕВАРДИК

Қўнғироқларингиз...

- Турмушга чиққанимга 2 йил бўлди. Эрим билан бир-биримизни севардик. Онам билан қайнонамнинг арзимаган келишмовчилиги туфайли оилам барбод бўлди. Мен эса онамнинг сўзига кириб, қизимни олиб ота уйимга кетдим. Эрим онасининг қистови билан уйланди. Бироқ бу ерда ўзимни ҳеч кимга кераксиз буюмдек ҳис этиб, дунёга сиғмай қолдим. Бу ёғига бошим қотган,- деди Марғилонлик мухлисамиз Азизахон қўнғироқ қилиб.

- Оилангиз бузилишида уларни гуноҳкор қилишингизга асос борми?

- Мактабни битиргач қўшнимизнинг ўғлидан совчи келди. "Ўзимиз кўрган-билган кишилар", деб ота-онам рози бўлишди. Йигит ҳам менга маъқул тушганди. Ҳамма машмаша тўйдан кейин бошланди. Баъзан бирор ишдан ишкал чиқарсам, қайнонам юзинг кўзинг демай,-"Ҳой, сизни олиб келгунча икки миллон пулимиз кетган", деб юзимга соларди. Мен эса ҳар гал тилимни тишлаб қолаверардим. Бахтимга эримнинг иши бўйича Тошкентга кўчиб келдик. Қайнонам энди онамга,-"Қизингиз тенгимиз эмас",-деб зуғум ўтказа бошлабди. Ўртадаги икки онанинг арзимаган гап-сўзлари оиламизни, бахтимизни барбод қилди. Онамнинг ҳам ўрлиги тутиб: "Мени десанг эринг билан яшамайсан", деб уйга олиб келди.

- Бунга эрингиз қўл қовуштириб туравердими?

- Эрим ҳам онасини юзидан ўтолмай бизни йўқламади. Ҳатто қизидан ҳам хабар олмади. Онамга эримни яхши кўришимни, вақти-соати билан ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетишини қанча тушунтирмай барибир ғурури устунлик қилди. Оиламни тиклашимга онам йўл қўймади.

- Оилангиз бузилишида ўзингизни айбингиз-чи?

- Оила қурганимда ёшим 19 да эди. Ёшлик қилиб, шошмашошарлик билан кўп нарсаларни пачавасини чиқарганман. Бешик тўйида қайнонам, опа-сингилларини қимматли матоҳларини мақтаб, меникилар олиб келган нарсаларни ерга урса, жаҳлим чиқиб қайнонамга гап қайтарардим. Бундан кўнгли ранжирди.

- Эрингиз қонуний равишда уйландими?

- Эрим билан ярашишга уринганимда онасини гапига кириб алдаб юрган экан. Мен билан қонуний ажрашмай туриб, уйланаётганини сезиб қолдим. Нима қилишга ҳам бошим қотиб, аламимдан ишхонасига бордим. Уни йўлдан қайтариш учун ялиниб, ёлвордим. Бошлиғи эса "оилавий келишмовчиликларни ҳарбий қисмга ҳеч қандай дахли йўқ", деб кўчага ҳайдаб солди. Ёрдам сўраб бормаган эшигим қолмади. Ҳамма жойда ўз ҳуқуқимни билмаслигим, саводсизлигим панд берди.

- Сиз ҳақ бўлсангиз ҳар қандай вазиятда ҳам қонун ҳуқуқингизни ҳимоя қилади, албатта...

- Умидим қонундан эди. Ғишт қолипдан кўчди. Эрим хатосини тушуниб етган кезда ҳам ҳеч қачон хиёнатини кечира олмайман. Қизим дадасига ўрганиб қолганди. Ҳар кеч: "Дадамга бораман" деган ноласи юрак-бағримни эзади.

- Онангиз бургага аччиқ қилиб кўрпани ёққанлигини билармикан?..

- Онам қилган ишларидан пушаймон бўлиб, адои тамом бўлди. Мени ҳам бошқага турмушга бериш ниятида. Менинг эса турмушга чиқиш ниятим йўқ.

- Муаммоларингизни ечимини топишга ҳаракат қилмадингизми?

- Қонуний ажрашиш учун судга ариза бердим. Эрим эса биздан қочиб юрибди. Билмадим нияти нима? Ўзим эса онамникига ҳам сиғмасдан қизим билан кўчада қолдим.

Азизахоннинг дил изтиробларини мени чуқур ўйга толдирди. Инсоннинг қадр-қиммати, мол-дунё, кибр-ҳаво билан ўлчанса, одамлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилмасмикан? Сиз бунга нима дейсиз азизлар?

Адиба УМИРОВА

ТУХУМНИНГ ОҚИНИ ОЛИНГ!

Қулоққа чалинган гап

Оиламиз аъзолари учун ҳар доим хонаки товуқ тухумидан олардим. Бироқ, якшанба куни одатдагидек, мева-чева сотиб олиш учун бозорга бордим. Одам гавжум бозордан мевалардан олиб, кейин тухум сотиб олмоқчи бўлдим. Тухум олаётгандим, бирданига шов-шув бўлиб кетди. Бирпасда одамлар тўпланишди. Сипогина кийиниб олган бир аёл тухум сотадиган шаддодгина аёл билан гап талашарди.

- Мен кўп йиллардан буён лабораторияда ишлайман. Сиз уй тухуми, деб сотган тухумингиз марганцовкага солинган экан. Шунинг учун ҳам унинг ранги оқ эмас, балки, уй товуқларининг тухумига ўхшаш саргишроқ кўринади. Мана, сотган тухумларингизни қайтариб олинг. Менга керак эмас. Яхшиси анави оқ тухумлардан оламан, дерди.

- Сен ўзингни лаборантман, деб алдама, хўпми? Қани юр, бозордаги лабораторияга олиб бораман. Ўшалар сенга ростини айтиб беради. Барибир манави тухумларни қайтиб олмайман. Қаерга борсанг, боравергин, қўрқадиган жойим йўқ, - дерди у ҳам шаллақилик билан.

- Кетдик, ўша жойга, юринг мен билан,-деди аёл саватини қўлга оларкан.

- Вақтим йўқ, савдо қилишим керак. Мижозларим бошқаларга ўтиб кетади бўлмасам...

- Тухум сотувчи аёл пештахтасига йўналди. Аёл ёнига келиб қолган паттачи билан гаплашиб, бирга лабораторияга жўнади.

- Ҳой, Тожи, анави аёл лабораторияга тухумларингни олиб кетди, энди расвоингни чиқаришади,-деди кексагина, ўртадаги йўлка олдига бир тоғорачада тухум қўйиб сотаётган аёл.

- Нимага ваҳима қиласан, айтдимку, қўрқадиган жойим йўқ, - деди аёл гапира туриб харидорнинг саватига тухум жойларкан.

- Ҳой, Тожи, бекор қилдинг-да, тухумларингни қайтариб олишинг керак эди. Лабораториядагиларни бошлаб келса ҳаммамизнинг расвомизни чиқаришади энди, - деди ўртадаги йўлга тоғорада тухум қўйиб олиб сотаётган аёл.

- Ҳеч хавотир олманг, Хумор опа. Майли, қани бир келишсин-чи, кўраман. Ўзи анчадан буён ҳеч ким билан жанжал қилмай, зерикиб юрган эдим.

- Қўйсанг-чи, ундан кўра тухумларни қайтиб ол, бўлмаса бу ердан ҳайдаласан!

- Мен-а, ким мени ҳайдар экан? Агар тухумларни марганцовкага солган бўлсам, буни ўзимдан билиб қилибманми? Ўша лабораторияда ишлайдиган Фариданинг ўзгинаси бугун бозорга келмаган Каромат опага ўргатган. Мен эса Каромат опадан ўрганганман. Келса бўйнига қўйиб бераман, - дея бемалол савдосини қилаверди аёл.

Мен уларнинг гапини эшитарканман, ваҳимага тушдим. Чунки ўзим ҳам доим шу аёлдан олардим-да. Бозордан чиқар эканман энди бу бозордан фақат оқ тухум олишга аҳд қилдим.

ГУЛБАШАКАР

ХАТОНИ ТАН ОЛИШ ҲАМ МАРДЛИК

"Ўзганинг бахти буюрмаскан" - 33-сон

ЭСЛАТМА: Маъмуржон исмли йигит билан танишиб, унга турмушга чиқдим. Бир ўғил кўрдик. Тўкин, осойишта ҳаётдан безиб, уриш-жанжал чиқариб ажрашдим. Кейин Н. ака билан танишиб, ундан бир ўғил кўрдим. Аммо, бир куни уларнинг иккиси ҳам балкондан тушиб, вафот этишди. Н. ака эса оиласига қайтди.

С. НАЗАРОВА,
Самарқанд.

Хурматли Т!

Ҳаётингизнинг ажойиб дамларини аввал бошдан Худога ёқмайдиган ишлар билан бошлаган экансиз. Сизга бахт кулиб боқиб, яхши турмуш ўртоқ, олийжаноб қайнона учраган экан. Афсуски ўз бахтингизни қўлингиздан чиқарибсиз. Аслида ушлаган жойидан кесадиган ўткирроқ қайнона бўлганда, балки ҳозирда болаларингиз бағрингизда оилангиз билан тинч ва осойишта яшаётган бўлармидингиз?!

Сиз қайнона-қайнотангиз хизматини елиб-югуриб қилганингизда, ҳурматини жойига қўйганингизда турмуш ўртоғингиз билан ажрашмаган бўлардингиз. Ажрашганингизда ҳам лоақал бир маротаба орқангиздан невараси учун қайнона-қайнотангиз йўқлаган бўларди. Онажонларимиз невара жуда ширин бўлади, дейишади. Шу даражада кўнгилларини қолдирган экансизки, шу ширин неварасидан ҳам хабар олгилари келмаган. Инсоннинг кўнглини қолдириш осон, аммо дилига йўл топиш қийин. Бу дунё бевафо, деб бекорга айтишмаган. Жамики қариндошларингиздан, ота-онангиздан воз кечиб, топган Н. акангиз бир ой мобайнида бирон маротаба ҳолингиздан хабар олмабди-ку. Кунингизга яна ўша кўнглига озор берган, уйингиздан ҳайдаб чиқарган онажонингиз яраган.

Тарафини олмоқчи эмасман-у Н. акангиз кеч бўлса ҳам хатосини тушуниб, оиласига қайтиб тўғри иш қилибди. Кундошингиз жуда оқила, сабрли аёл бўлганлиги учун сиз билан жанжаллашмаган. Турмуш ўртоғига ёмон гап айтиб, кўнглини қолдиргиси келмаган. Сизларни бирга кўрганда ўша аёл ҳам қанчалар дили оғриган, ич-ичидан эзилган, балки уйқусиз тонглар оттиргандир. Бу ёлғиз Худога аён. "Сен сўрашдан чарчамасанг, мен беришдан чарчамайман", - деган экан бандаларига Оллоҳ таоло. Кундошингиз чин кўнгилдан яхши ният билан Худодан болаларининг отаси уйига қайтишини, ўғил фарзанд беришини сўраган бўлса керакки, Оллоҳ унга қўшалоқ ўғил фарзанд берган.

Яшаш сиз билан биз ўйлаганчалик осон эмас. Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ҳисобли. Инсон хатоларини тушуниб, камчиликларини тан олишининг ўзи жуда катта мардликдир. "Ёлғизлик фақат Оллоҳга хос", деган гап бор. Кеч бўлса ҳам хатоларингизни тушунибсиз. Ота-онангиз, ака-укаларингиз олдига боринг. Ота-онангиз оқ қилдик, деса-да, сизнинг бошингизга ташвиш тушганда ташлаб қўйишмабди-ку! Эгилган бошни қилич кесмас. Узр сўранг. Хизматларини қилинг. Қўлингиздан келганча одамларга яхшилик қилинг. Бошингизга тушган кўргуликлардан ўзингизга хулоса чиқариб олибсиз. Яхши-ёмонни, оқ-қорани фарқлай оласиз. Шундай экан, ҳаётда энди адашманг.

Сабр-тоқат, ишларингизда омад, соғлиқ тилайман. Албатта, бир хонадон бекаси, меҳрибон она, азиз фарзандларингиз отасини ҳурмат қиладиган бағри кенг аёл бўласиз, деган умиддаман. Сизга ҳамдардман. Кўнглингизга озор берган бўлсам мени кечиринг.

Руқия ХИДИРОВА,
Сирдарё вилояти,
Боёвут тумани,
"Деҳқонобод" ш/х.

Ёшим 77 да. Уч ўғил, уч қиз, 19 набира, 4 та аварам бор. Худога шукр.

Муаллиф қайнона-келин муаммосини кўтарган бўлса, мен қайнота-келин муносабатлари ва эрхотин, она ҳақида тўхталмоқчиман.

Аввалambor, эр ўз хотини олдида бачканаликка йўл қўймаслиги, хотини ва онасини беҳурмат қилмаслиги керак. Ичкилик, чекиш, гиёҳвандлик қанчалик заррарлиги ҳаммага маълум. "Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл", - деган экан машшойихлар. Бу ифлосликка қарши курашиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Яқинда менинг хонамга (маҳалла оқсоқоли) туман раҳбарларидан бири ўз ёрдамчиси билан ишюзасидан кириб келиб, иккаласи ҳам "Чекилмасин, илтимос!" - деган ёзув борлигига қарамай, чўнтагидан сигарет олиб чекмоқчи бўлишди. Мен: "Илтимос, маҳалла ҳовлисида чекиш ман этилган", - деб уларни қайтардим. Булар менинг ўғлим тенгилар. Иккаласи ҳам менга ўқрайиб, сигаретларини чўнтакларига солиб қўйишди. Ана сизга маданият!..

Ота — қайнота хотини, келин-куёвлари, ўғил-қизлари олдида чекиш ва ичишга йўл қўймаслиги лозим. Шахсан ўзимнинг фарзандларим - ўғил-қизларим, (уларни ҳам қўша-қўша набиралари бор) менинг олдимда ҳеч қачон чекишмаган, ичишмаган. Балки менга билдирмасдан ўртоқлари билан чекишар, ичишар. Буни отага нисбатан ҳурмат деб биламан.

19.30 "Ахборот"
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 "Омон бўлинг!"
20.05 "Эгизаклар".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Олтин мерос".
21.50 Эркин мавзу.
22.10 "Уста Ҳасан".
23.00 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.15 "Буни ҳаёт дейдилар". Телесериал премьераси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 «Эсмеральда".
9.45 Давр репортаж.
9.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
10.50 Тенгдошлар.
11.10 «Анпанман". Мультсериал.
11.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Сериал.
12.25 Менимча.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 Сен ёлғиз эмассан.
13.40 «Шаҳризоданинг янги эртаклари". Бадиий фильм 1-қисм.
14.45 «Кино SMS» танлови.
14.50 «Шаҳризоданинг янги эртаклари". Бадиий фильм 2-қисм.
15.45 Менимча.
15.50 Ўзбекистон жавоҳирлари.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас". Телесериал.
17.05 «Кино SMS» танлови.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15". Янги авлод « студияси: У ким? Бу нима?, Болалар шеърияти.
17.45 «Барака ёмғири". Мультфильм.
17.55 «Истиқлолим-истиқболим". Фототанлов.
18.00 Томир.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ракурс.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Парламент вақти.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.05, 21.45 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 "Кичкинтой кенгулар". Мультўтплам.
17.40 ТВ да сериал: "Ит уяси".
18.05 "Иқтисодий тараққиёт йўлида" /рус/.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
18.50 "Имконият".
19.10 "Экспресс" телегазеталари.
19.30 "Табриклаймиз,".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Морена Клара".
21.00 "Экспресс" телегазеталари.
21.20 "Дорихона эшитади". Бевосита мулоқот.
22.10 "Синган тақа".

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.20 "Хозяйка судьбы". Сериал.
10.50 Студия "Равнак" представляет.
11.05-12.00 Баскетбол. Европа чемпионати.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар".
17.20 "Болалар спорти".
17.35 Каратэ. Киокушинкай. Республика турнири.
17.55 "Жаҳон футболи".
18.20 "Дадиллик учун совринлар".
18.50 "Поле чудес".
20.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 "Заҳирадаги спортчи".
21.10 "Спорт клуб". Ринг.
21.40 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – **«Детский час»**
12.50 – **«Бедная Настя»**.
14.00 – Х/ф **«Во имя справедливости»**, остросюжетный фильм
15.30 – «Ошикона».
16.15 – **«Озгина - Созгина»**, повтор передачи
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ - Мультсериал
17.25 - «Мусиқий лаҳзалар»
17.45 – НТТ «Маргилон-ТВ» тақдим этади
18.05 – Бу – бизнинг кино
18.20 – НТТ – «Зиё» студияси тақдим этади
18.40 – Мумтоз наволар
19.00 – «Ошикона» мусиқий дастури
19.45 – «Мультфильм»
20.00 – «Мусиқий табассум»
20.45 – «Телехамкор», фойдали газета
21.00 – НТТ « Кунгил кучалари» телесериал
22.00 – «Мусиқий табассум»
23.00 – Художественный фильм - **«Львиная доля»**

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
9.10 Приключенческий сериал «Агент национальной безопасности»
10.20 «Встань и иди». «Без страховки»
11.00 Новости
11.20 «Новый русский романс». Многосерийный фильм
12.30 Дисней-клуб: «Ведьма»
12.50 «Человек и закон» с Алексеем Пимановым
14.00 Новости
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
17.40 «Убойная сила». Многосерийный фильм
18.50 Поле чудес
20.00 Время
20.25 «КВН-2005». Музыкальный фестиваль в Юрмале
23.00 «Золотой граммофон»
0.10 Шон Коннери, Кристофер Ламберт в остросюжетном фильме «Горец - 2».
2.10 Колин Ферт в романтической комедии «Родники надежды»
3.50 Сериал «Матрица: угроза»

4:00 «Доброе утро, Россия!»
7:45 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-1».
8:45 «Мой серебряный шар. Александр Демьяненко». Ведущий - Виталий Вульф.
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 «Мусульмане».
11:00 «Вся Россия».
11:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11:45 «Комната смеха».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:30 «Суд идет».
14:30 «Фрунзик Мкртчян. История одиночества».
15:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 «Кулагин и партнеры».
16:45 ПРЕМЬЕРА. «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:45 Валентина Талызина, Амалия Гольданская, Алексей Булдаков, Эммануил Виторган, Валентин Смирнитский и Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 ПРЕМЬЕРА. «Кривое зеркало. Театр Евгения Петросяна».
22:00 Сергей Шакуров, Юрий Кузнецов, Николай Чиндяйкин, Виктория Толстоганова и Сергей Гармаш в фильме Дмитрия Месхиева «Дневник камикадзе». 2002г.
0:10 Жан-Клод Ван Дамм в боевике «Патруль времени» (США-Япония). 1994г.
2:15 «Дорожный патруль».
2:25 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3:20 «Ангелы Чарли». Телесериал (США).
4:10 Канал «Евроньюс» на русском языке

ШАНБА 17

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Австралиянинг ёввойи табиати". Ҳужжатли телесериал.
"Болалар сайёраси":
9.45 1. "Олтин тож".
2. "Рокки ва унинг дўстлари". Мультсериал.
10.35 "Оналар мактаби".
10.55 "Оҳанглар оғушида".
11.05 ТВ анонс.
11.10 "Омон бўлинг!"
11.15 "Уста Ҳасан". Телесериал.
12.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
12.25 "Дўстлик" тележурнали: 1. "Рангинкамон". 2. "Дидар".
12.55 "Эгизаклар". Телесериал.
13.50 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ватан ҳақида қўшиқлар".
14.45 "Спорт янгиликлари".
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.10 ТВ анонс.
15.15 "Келин-куёв". Телетомоша. "Болалар сайёраси":
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.25 "Ёшлик наволари".
17.40 "Интеллектуал ринг".
18.20 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
18.45 "Ошин". Телесериал.
19.15 "Ўзлото". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.50, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "Йиллар армони".
20.55 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Ҳаёт давом этади".
22.00 "КиноТеатр".
22.20 "Буни ҳаёт дейдилар".
22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.55 "Бенҳур". Бадиий фильм. 1-қисм.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 "Мунаввар тонг".
8.30 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 "Эсмеральда". Телесериал.
9.45 Табобат оламида.
10.10 Ватанпарвар.
11.10 Ракурс.
11.35 Солиқ хизмати хабарлари.
11.45 "Кино SMS» танлови.
11.50 "Маҳобҳорат". Телесериал.
12.35 Кутилмаган меҳмон.
13.00 Давр.
13.15 Менимча.
13.20 Бола тилидан.
13.50 Интерфутбол.
15.30 "Кино SMS» танлови.
15.35 "Янги авлод" студияси: Шум болалар.
15.50 Менимча.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман диёрим!
16.15 Мирғали Ҳасанов. "Ёрим кетаман дейди". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: "Маҳобҳорат". Телесериал.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингмая диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 "Кино SMS» танлови.
19.45 "Бўғирсоқ" премьераси.
20.00 "Қилни қирқ ёриб".
21.00 "Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгуч.
23.00 "Мим салтанати". Бадиий фильм.

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Болажонлар экрани".
17.40 CFI-тақдим этади: "Келажак шаманлари". 2-қисм.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури
18.50 "Шунақа гаплар".
19.10 "Экспресс" телегазетаси.
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Табрик-шоу".
21.05 "Биргаликда куйлаймиз".
22.05 "Экспресс" телегазетаси.
22.25 "Ёшлар даврасида".
22.45 Киноногоҳ: "Какку уяси узра парвоз" 1-қисм.

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Три окна". А. Макаревич.
9.50 "Джунгли".
11.00 "Стать ближе".
11.40 Баскетбол. Европа чемпионати.
12.40-13.10 "Спорт салтанати".
17.00 "Хабарлар".
17.20 "Болалар спорти".
17.40 Мультфильм.
17.45 "Спорт – менинг ҳаётим".
18.00 Каратэ. Киокушинкай. Республика турнири.
18.20 "Кучли бешлик".
18.55 "Зафар бекати".
19.15 "В поисках приключений".
20.00 "Хабарлар".(Рус тилида)
20.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" - "Насаф".
21.20 "Дув-дув гап". Шоу дастури.
22.20 "Еврофутбол".

30 КАНАЛ

9.00 – Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: **«102 далматинца»**, комедия
11.10 – «Ошикона» мусикий дастури
11.55 – **Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса**
12.40 – **«Львиная доля»**
14.30 - **«Болалар соати»**
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.00 – НТТ – Программа передач
17.05 – НТТ «Мультфильм»
17.35 – НТТ – **«Фантомас»,** кинокомедия
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 – НТТ – «Страстная любовь» бадий фильм, 1 серия (Индия)
22.30 - НТТ Анонс
22.35 – НТТ «Страстная любовь» бадий фильм 2 серия (Индия)

1

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.50 Лев Дуров, Барбара Брыльска в детективе «За все надо платить»
7.10 Играй, гармонь любимая!
7.50 Слово пастыря
8.10 Дисней-клуб: «Кряк-бригада» , «С добрым утром, Микки!»
9.00 Новости (с субтитрами)
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 Премьера. «Джунгли». Фильм 1-й
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 Кирилл Лавров в фильме «Свидание с молодостью»
13.40 «Кирилл Лавров. Герой нашего романа»
14.40 Михаил Евдокимов в комедии «Не послать ли нам... гонца?»
16.40 Премьера мультфильма «Это зубастики»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Новые песни о главном»
18.30 Субботний «Ералаш»
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным
20.00 Время
20.20 Фестиваль юмора «Умора-2005» с участием братьев Пономаренко, Сергея Дроботенко, Яна Арлазарова, Юрия Гальцева, Елены Воробей
22.10 Премьера. Гоша Куценко в комедии «Марс» (2004 год)
0.00 Харрисон Форд против Ивана Коршунова в остросюжетном фильме «Самолет президента»
2.10 Риз Уизерспун в триллере «Лучшие планы»
3.50 Сериал «Матрица: угроза»

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:15 ПРЕМЬЕРА. «Футболист Валерий Воронин. Потерять лицо».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Александр Збруев, Анатолий Солоницын и Светлана Тома в детективе «Тайна записной книжки». 1981г.
15:00 «Портреты эпохи. Анатолий Добрынин».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».
17:55 «Секрет успеха».
18:50 «В Городке».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Зеркало».
19:40 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
20:10 «Субботний вечер».
22:00 Жан-Клод Ван Дамм в триллере Питера Хайамса «Внезапная смерть» (США). 1995г.
0:10 Дольф Лундгрен в боевике «Тайный план» (Канада). 2001г.
2:10 Клаус Кински в криминальной драме Жоржа Лотнера «Смерть негодяя»
4:20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 18

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Камалак" экрани: "Картошкалар ва аждарҳо". Мультсериал.
9.35 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.10 "Бу турфа олам".
12.05 "Жиддий ўйин".
12.50 "Йиллар армони".
13.35 ТВ анонс.
13.40 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
13.50 "КиноТеатр".
14.10 "Тати Даниэль". Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси" :
16.00 "Олтин тож".
16.35 "Ҳаёт давом этади".
16.55 "Ёшлик наволари".
17.10 "Шахсий фикр".
17.45 ТВ анонс.
17.50 "Портретга чизгилар".
18.10 "Айтишув".
19.05 "Одамлардан бири".
19.25, 20.00, , 21.40 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 ТВ анонс.
20.10 "50Х50". Токшоу.
20.55 "Минг бир ривоят".
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
22.50 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 "Буни ҳаёт дейдилар". Телесериал.
23.25 ТВ анонс.
23.30 "Бенҳур". Бадиий фильм. 2-қисм.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
8.45, 9.10,14.15,15.55, 19.30 ТВ -анонс.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 Кулгуч.
9.25 «Маугли". Мультфильм.
11.00 Саломатлик сирлари.
11.20 Ишдан кейин.
11.40 "Очил дастурхон" ҳангомалари.
12.00 "Маҳобҳорат". Телесериал.
12.45 Менимча.
12.50 Томир.
13.10 «Кино SMS» танлови.
13.15 «Се"танҳо. Қўшиқнинг туғилиши". Мусиқий дастур.
13.55 Чемпион сирлари.
14.20 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради". Бадиий фильм.
15.50 Менимча.
16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
16.25 "Мультғомоша".
16.55 Ринг қироллари.
17.45 Менимча.
17.50 «Қадимги мавжудотлар". Илмий-оммабоп фильм. 2-қисм.
18.20 «Кино SMS» танлови.
18.25 Хуш келибсиз!
18.45 Сув - ҳаёт манбаи.
18.50 Мафтунингман диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат" Телесериал.
20.20 Биздан қолажак боғлар.
20.55 «Кино SMS» танлови.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Муҳаббат ва эҳтирос". Телесериал.
21.55 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Спорт антологияси.
22.05 «Кино SMS» танлови якуни. Бадиий фильм.

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
18.50 "Экспресс" телегазетаси.
19.10 "Миттивойлар мактаби".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Пойтахт плюс".
20.20 "Тенгдошлар".
20.50 "Тв плюс".
21.15 "Экспресс" телегазетаси.
21.35 "Нима учун".
22.15 Киноногоҳ: "Какку уяси узра парвоз" 2-қисм.
23.20.23.25 Хайрли тун.



7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.20 "Қувноқ стартлар".
11.00 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.15 Жаҳон спорти: "Снукер".
12.10-13.50 "Перехват". Художественный фильм.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Талқин". Информационтаҳлилий кўрсатув.
17.30 "Спорт - менинг ҳаётим".
17.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Нефтчи" - "Машъал".
18.35 В. Кузьмин. Концертная программа.
19.35 "Тайм-аут".
20.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
20.30 "Мусиқий дастур".
21.00 "Проф-РИНГ".
21.50 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 КАНАЛ

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – **«Детский час»**
9.40 – Документальный фильм
10.15 – «Юлдузлар табриги» мусикий дастури
11.00 – «Телехамкор».
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 - **Фильм детям «Каспер»**, сказка
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 – **«Болалар соати»**
15.30 – «Спорт - экстрим»
16.00 – «Детский час».
16.25 – «Хикоя», познавательная передача
16.45 – «Телехамкор».
17.05 – НТТ – «Мультфильм»
17.30 – НТТ – Анонсы
17.35 – НТТ – «В мире животных»
18.05 - «Шоу рекордов Гиннеса»
18.30 – НТТ - «Концерт»
19.00 – «Телехамкор».
19.15 – «Ошикона» мусикий дастури
20.00 – «Мультфильмы»
20.20 – «Мусикий табассум»
21.00 – НТТ «Профессионалы» кинокомедия

1

5.00 Новости
5.10 Михаил Глузский в приключенческом фильме «Как вас теперь называть?»
7.10 Служу Отчизне!
7.40 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки» с Юрием Гальцевым и Геннадием Ветровым
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Живой мир. «Путешествие жизни: захват суши»
12.10 Владимир Меньшов в приключенческом фильме «Перехват»
13.50 Филипп Киркоров, Николай Басков, Дима Билан, «Чай вдвоем» в невероятном шоу Аниты
15.10 Лев Прыгунов в детективе «Трактир на Пятницкой»
16.50 Ефим Шифрин, Михаил Жванецкий, Верка Сердючка, Юрий Стоянов, Илья Олейников на международном фестивале юмора в Ялте
18.20 Премьера. Приключенческий сериал «Остаться в живых». Фильм 11-й
20.00 Воскресное «Время».
20.45 Уилл Смит в супербоевике «Люди в черном»
22.30 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Вадим Токарев - Дарнел Уилсон
23.20 Суперчеловек. «Вечная жизнь»
0.20 Джет Ли в приключенческом фильме «Красный дракон»
2.00 Фильм Дарио Ардженто «Преисподняя»
3.50 «Сканер». «Защита от ГАИ»

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 «Чудо-мельница», «Замок лгунов». Мультфильмы.
8:30 Семейная комедия «Единица» с обманом». 1984г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама. Страсти по Петросяну».
12:15 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль №55». Сатирический тележурнал.
14:10 Амитабх Баччан и Шаши Капур в мелодраме «Дважды два - пять».
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Амитабх Баччан и Шаши Капур в мелодраме «Дважды два - пять». Продолжение.
17:10 ПРЕМЬЕРА. Фестиваль юмора в Ялте - 2005.
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Петр Зайченко в комедии «Дзисай». 2005г.
22:15 Джейсон Биггз, Шэннон Элизабет, Крис Клайн и Шон Уильям Скотт в фильме «Американский пирог-2» (США). 2001г.
0:20 Джош Хартнетт и Дайан Крюгер в остросюжетном фильме «Одержимость» (США). 2004г.
2:35 Детектив «Прочная сеть-2»
3:25 Канал «Евроньюс» на русском языке.

- Жоним, магазинга чиқиб келмайсизми?
- Азизим, кўчада шундай ёмғир ёғаяптики, ҳатто, итни ҳам ҳайдаб бўлмайди-ю...
- Вой худойим-ей, бўлмаса итсиз чиқа қолинг.

***

Кекса аёлга ҳаётида биринчи марта пиво таътиб кўришни таклиф қилишди. Ундан бир қултум ичган аёл ажабланиб деди:
- Қизиқ, бу ичимликнинг мазаси эримнинг 20 йилдан бери ичадиган дорисига ўхшаркан.

***

Фермер ветеринардан маслаҳат сўради:
- Отим баъзан оқсоқланади. Нима қилсам бўлади?
- Яхшиси, юраётган вақтида сотиб юборавиринг.

***

- Эшитишимча, сўнгги пайтларда Лайлоникида тунаб қолаётган эмишсан? Ундан кўра, уйланиб қўя қолмайсанми?
- Ўзим ҳам шу ҳақда кўп ўйладим. Лекин унга уйланиб олсам, кейин кечани кимникида ўтказаман?

***

Автобусдаги бақувват эркак ўриндиқда ўтирган ёш йигит олдига келиб:
- Ногиронга жой беринг, - деди.
Йигит ҳам безрайиб:
- Хеч ногиронга ўхшамайсиз-ку? - деди.
- Тўғри айтасиз, - эркакнинг кўзлари ёшланди. - Хотиним кетиб қолган. Мен эса усиз худди қўли йўқ одамдекман.

САНОБАР тайёрлади

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

- *Дадаси, менга шу ойна ёқди, туғилган кунимга олиб берасиз.*

Aziz bolajonlar! *Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

Sen, shunchalar latofatlisan
AYOL,
Lek, boshingda bunchalar
XAYOL.

Aziza RUSTAMOVA
Pitnak shahridagi 17 – o'rta maktabning 8 "A" – sinf o'quvchisi.

VAFODOR IT

Voqeiy hikoya

Uyimiz yonidagi kulbalarning birida Zafar ota yolg'iz yashardi. Uning Olapar ismli iti bor edi. U kishi qarib qolganiga qaramay, dalada ishlardi. Sholi, bug'doy va boshqa ekinlar ekib, bahor, yoz, kuz oylarida iti bilan aylanib, ekinlarga qarardi. Ba'zan yordamga o'g'il-qizlarni o'zi bilan birga olib kelardi.

Bir kuni Zafar ota itini uyiga tashlab yolg'iz dalaga ketdi. It bir narsani sezgandek g'ingshib Zafar otani ortidan etib ergashdi. Ota esa itini bog'lab qo'ydi. Vafodor it o'zini siltab uraverib ipini uzib, xo'jayinini ortidan chopti. Egasi ko'rmaydigan pana joyga berkinib ikki ko'zini tikib atrofga termilardi. Bir ozdan so'ng Zafar ota chaylaga dam olish uchun uyquga cho'mdi. Shu payt ikki-uch bola polizga kirib, qovunlarni uza boshladi. Olapar ham xuddi shu payt hurib, bolalarni polizga yaqinlashtirmadi. Chayladan uyg'onib ketgan Zafar ota olaparni ko'rib quvonib ketdi. Bir to'p bolalarning hammasi bir zumda yo'q bo'lib ketishdi. Ertasi kuni bolarni surishtirsa, ular hali maktab o'quvchilari ekan. Ularninng bunday odobi uchun maktab deriktori Zafar otadan kechirim so'rash uchun bolalarni yubordi. Zafar ota bolalarni kechirdi. Voqeadan xabardorlar itning insonga qanchalik do'st ekanligiga qoyil qoldi.

Temur O'TISHOV,
Qoraqalpog'iston respulikasi,
Qo'ng'irot shahri,
9-sinf o'quvchisi.

«BILIMDON» KROSSVORDI



1. Kuzning birinchi oyi 2. Yirtqich hayvon 3. Non bisbirladigan moslama 4. Sudralib yuruvchi jonivor 5. Er 6. O'quv quroli 7. Rad qilish 8. Dekabr, yanvar, fevral 9. Tana a'zosi 10. Barmoqdagi o'sma 11. Bog'bonning ish joyi 12. Toza, ozoda 13. Ogohlik — ... talabi 14. Uy hayvoni 15. Qish ziynati

Guliston ISKANDAROVA,
Xorazm viloyati, Hazorasp tumani, Pitnak shahri 1-son litsey internati 8-sinf o'quvchisi.

MAJNUNTOL

Ariq bo'yida har dam,
Majnuntol turar ko'rkam.
Sochlarichi uzun ko'p,
Guldan-da chiroyli xo'p.
Yashil baldoq yarashgan,
Daraxtlar ko'p qarashgan.
Sochin shamolda tarar,
So'ng oyga zimdan qarar.
Zulflari erga tegar,
Zerikib qolsachi gar
Soy-la sirlashmoq uchun,
Boshini asta egar.
Unga juda ko'p do'st yor,
Oy nurida yuvilgan.
Ustidagi gard g'ubor,
Yomg'ir ila quvilgan.
Sen yomonlikdan xoli,
O'zing ariqning boli.
Sen mahzunlik timsoli,
Oshiq majnunning toli.

Sitora BARLIBOYEVA,
Sirdaryo viloyati, Boyovut tumani 13-maktabning 7-"A"sinf o'quvchisi.

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

(Боши ўтган сонларда)

Сабр-тоқатга қодир одам хоҳлаган нарсасига эришишга ҳам қодир, сабр қилган одам зафарга, муваффақиятга эришади, шошқалоқликни надомат, пушаймонлик қарши олади.

Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгишнинг калитидир. Мусибатли оғир дамларда сабр ва қаноатни пеша қилинглар, сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.

Сабр, қайғу, аламларга, машаққатларга чидашда фойдали бир ишдир, бунга эга бўлганлар, ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб, ўз саломатлигини йўқотмагайлар.

Инсонларни поклик, матонат йўлига элтувчи, таъмагирлик, тубанлик, разилликка ва ҳар қандай ёмонлик ботқоғидан асраб фароғат, иззат ва ҳурмат даражасига элтувчи йўл-сабр-қаноат туфайли киши туганмас хазинага эга бўлади, ёмон иллатлардан фориғ бўлади.

Агар инсон ўзида сабр ва қаноатни барлаштирмаса, ундан ҳаё, уят деган қадр-қиммат қуши учиб кетади. Шу билан биргалиқда шарафидан, ор-номусидан айрилади, бировларнинг ҳақоратига учрайди.

Луқмони Ҳакимдан қандай аччиқликнинг сўнгги ширин, деб сўраганларида-сабрнинг, деб жавоб берган эканлар.

Сабр-инсоннинг яхши ва ёмон барча ҳоллар Аллоҳдан эканлигини англаш ва шуларга рози бўлмоқлигидир. Яхши ҳоллар учун шукр қилиш, ёмон ҳоллар учун шикоят қилмаслик сабр шартларидан эрур. Қуръонда марҳамат қилинган сабр, бу-ҳақиқатни ўрнатиш ва ботилни йўқотиш йўлида учрайдиган ҳар нарсага чидамлилик, инсонлардан келаётган азиятга тоқат ва камбағаллик, касаллик, азиз кишини йўқотиш каби қийинчиликларга бардош бериш ҳисобланади.

Кимки Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлмасликни ва раҳматига эришиб жаннатга киришни истаса, нафсини дунёвий ҳою ҳавасдан тийсин ва дунёнинг машаққату мусибатларига чидаб сабр қилсин! Бу борада Аллоҳ шундай амр этур:

"Аллоҳ мусибатларга чидаб, сабр қилувчиларни севади.

Кимки Аллоҳга итоат қилишда сабр ва саботли бўлса, Аллоҳ унга қиёмат куни, жаннатда ҳар бири ер билан кўк орасидай келадиган уч юз даража ажр ато этур.

Яна, кимки Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишда сабр ва сабот кўрсатса, қиёмат куни Аллоҳ унга олти юз даража ажр инъом этур.

Кимки, дунё машаққат ва мусибатларига чидаб, Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига риоя қилса, Аллоҳ жаннатда унга етти юз даража ажр насиб этур".

Пайғамбаримиз буюрадилар:

Кимки бир кеча хасталанса-ю, бунга бардош берса ва Аллоҳга шикоят қилмаса, онасидан туғилган кунидагидек гуноҳлардан фориғ бўлгай. Эй умматим, хасталанган пайтингизда Аллоҳга шикоят қилманг, Аллоҳдан дардингизга шифо сўранг".

Ҳаёт мураккаб ва унинг синовлари кўп. Аммо бу машаққатлар ва синовлар ичра биз барибир инсонлигимизни унутмаслигимиз керак ва ҳар қандай вазиятда инсон сифатида қолишга интилишимиз даркор.

* * *

Энди мен сиз, азиз болажонларимга икки ярамас иллатдан ёшлигингиздан бошлаб йироқ бўлишингиз лозимлиги ҳақида огоҳлантирмоқчиман. Буларнинг бири ғийбатдир.

Умргузаронлигимизда кўпдан-кўп ноҳушликлар, бахтсизликларга сабаблар, турли-туман хасталикларга дучор бўлишликда, жанжал ва тўполонларнинг содир бўлишида албатта, ғийбатнинг касри каттадир. Фалон кимса сенинг ҳақингда бундай деди, фалон киши ундай деди, деган ғийбат гаплар умр заволи бўлади.

Бу тоифадаги кишилар албатта бирга ўнта ғийбатни қўшиб айтадилар. Айтганда ҳам юрагингизга тегадиган қилиб, мўлжаллаб айтадилар.

Ғийбатчилар - адоват ва хусуматчи, ҳасадчи бўладилар. Улар омади юришиб кетган, бахти бутун одамларни, адолатли раҳбарларни, олим ва фозил кишиларни, эл-юрт орасида ўз ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган кишиларни ёмонлаб, улар ҳақида фисқу-фасод, иғво, мишмиш гапларни, турли хил ғийбатларни тарқатиб юрадилар. Булар албатта маънавияти қашшоқ, ўзлигини йўқотган одамлар сирасига кирадилар.

Ғийбатчиларнинг бирдан-бир мақсади ҳалол, покиза, ишчан, ҳақгўй, тўғрисўз одамларни бадном қилиш, обрўсизлантириш. ёмон отлиққа чиқариш, аҳил оилаларни бузишдир.

Уларнинг қилмишлари натижасида содиқ дўстлар, аҳил қўни-қўшнилар, қуда-андалар, яқин қариндошлар орасида раҳна тушиб, гоҳида бир-бирларидан бутунлай ажралиб, юз кўрмас бўлиб кетадилар. Демак, ғийбат тотувликнинг, ширин ҳаётнинг ашаддий душмани ҳисобланади.

Иғвогарлик ҳам ғийбатнинг бир тури бўлиб, қалбларимизни яралайдиган мудҳиш оғудир. Виждони пок одам ҳеч қачон бировнинг иғвосини қилмайди. Иғво бахтли кишиларнинг душманидир.

Ҳар бир нарсанинг бир кири бўлганидек, тилнинг кири ғийбатдир. Ғийбат сўзлар бировга нисбатан ҳийла ва ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишилар одатидир.

Ғийбатчининг маккорлиги яна шундаки, ўзларини дўст кўрсатиб туриб шум ва ўта қабиҳ ёвуз ғийбатларни иложи борича бошқа, ҳар бир гапга ишонувчан, содда, софдил одамлар оғзи билан амалга оширишга устаси фаранг бўладилар.

Мен сизларга, азиз болажонларим, ғийбатга алоқадор бўлган бир ибратли ҳадиси шарифни айтиб ўтишни лозим топдим. У яхшилик ва эзгуликка бошлаш, ёвузлик ва ёмонликдан қайтариш, ношуд ва ношукр бўлмаслик хусусидадир. Диққат билан ўқинг, қайта ўқинг ва керакли хулоса чиқариб олинг.

Аллоҳ Таолога барча махлуқоту мавжудотлар, дов-дарахтлар, ҳатто оддий гиёҳлар ҳам доимо шукр айтади, -дейдилар Расули Акрам (с.а.в.)

- Ҳайвон ҳам шукр айтадими? - сўрабди бир саҳоба.

- Ҳа, айтади. Сигир айтади: "Эй, Аллоҳим, мени мол қилиб яратдинг, гўштим, сутим ҳалол кишиларга насиб қиляпти. Шу орқали одамларга фойдам тегяпти. Менинг ит қилиб яратмаганингга шукр", -дейди.

- Унда ит нима дей шукр айтади?

- Итми? Ит: "Эй, Аллоҳим мени ит қилиб яратдинг. Ризқимни одамлар орқали бериб турибсан. Инсонлар мени ўзига дўст ва вафодор тутишадилар. Тўнғиз қилиб яратсанг, нима қилардим?" - дейди.

- Демак, энг ёмон ва энг жирканч махлуқ тўнғиз экан-да? - сўрабди саҳоба.

- Тўнғиз ҳам Аллоҳга шукр айтади. У: "Эй, Аллоҳим, мени ғийбатчи, туҳматчи, иғвогар. ҳасадчи, хусуматчи, зиқна, бахил ва мунофиқлик уруғини сепувчи одам қилиб яратмаганингга шукр, - дер экан", - дебдилар расули Акрам (с.а.в.)

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ

Турмуш сабоқлари

ЭРИНИ УЧ ТАЛОҚ ҚЎЙГАН ХОТИН

Қобилжон тиришқоқ йигит эди. Хотини Маҳаррам билан тўрт фарзандли бўлишди. Ҳарқалай чалароқ бўлсаям янги ҳовлини битириб олишди. Лекин Қобилжоннинг пешонасида кўргулик бор экан. Ў шериги билан трактор прицепига чиқиб олиб, ишдан қайтишаётганда, прицеп поезд билан тўқнашиб кетди. Қобилжоннинг шериги ўша жойдаёқ ҳалоқ бўлди. Қобилжон эса ўн уч кун деганда касалхонада хушига келди. Тўқнашув пайтида унинг ўпкаси, жигари, қовурғаси лат еган экан. Дори-дармоннинг кучи билан унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Бироқ дўхтирлар уни: "Нари борса олти ой яшаса керак", - дея башорат қилишди.

Қобилжонни уйга олиб келишгач, анча вақт тўшакка михланиб ётди. Чўпдай озиб кетди. Хотини Маҳаррам унга олти ойча қаради. Кейин касални боқиш малол кела бошлади. Эрини олдида болаларни жеркиб, пешонаси шўр эканлигини писанда қилишга ўтди. Қобилжоннинг касали баттар оғирлашиб, овқатдан ҳам қолди. Хотинининг жавраши ҳар гал унинг кўнглини чўктириб, жон-жонидан ўтиб кетарди. У охири хотинига шундай деди:

- Менга қараш малол келаётган бўлса, қарамай қўявер. Пешонамга нима ёзилган бўлса, шуни кўраман.

- Тўшаклар сасиб кетди, - бурнини жийирди Маҳаррам. - Шу ҳам турмуш бўлдими? Менга ўзи болаларнинг ҳарҳашаси етиб-ортяпти. Бир умр касалнинг қошқовоғига қараб ўтаманми?

- Оллоҳ шифосини берса, тузалиб қоларман, - хўрсинди Қобилжон. - Кўриб турибман, сенга осон эмас, лекин нима қилай?

- Жонимдан тўйиб кетдим. Бошқа чидай олмайман. Менинг жавобимни беринг. Иккита қўшнини чақириб чиқай. Ана шуларни олдида, "Уч талоқ қўйдим", денг.

- Унақа дема. Катта ўғлимиз мана мактабни битираяпти. Ўн саккиз йил рўзғор қилдик. Болаларнинг бахтига тузалиб қолай...

- Бунга ақлим етмаяпти. Ҳозир қўшниларни бошлаб чиқаман.

Маҳаррам эшикдан чиқиб, қўшнилари Сирожиддин тоға билан унинг кампири Ҳадича аяни бошлаб чиқди. Улар Маҳаррамнинг мақсадидан бехабар хонага кириб келишди. Уларнинг ёнига болалар ҳам киришди. Ҳамманинг олдида Маҳаррам гапни чўрт кесиб қўя қолди.

- Мана, гувоҳларнинг олдида, менинг жавобимни беринг!

- Ҳай-ҳай, бу нима деганингиз? - таажжубланди Ҳадича момо. - Касал одамга ҳам шунақа дейдими? Сизларни боқаман деб шу ҳолга тушди-ку. Жиндай қаноат қилинг, шукр қилганга Тангри шифосини беради.

- Тўйдим! - бақирди Маҳаррам. - Мени қўймаса, мен уни уч талоқ қўйдим! Юринглар болалар!

Қўшнилар серрайиб туриб қолишди. Маҳаррам эса ташқарига юрди. Уч ўғил унинг ортидан эргашди. Ўн икки ёшли Нилуфар пиқиллаб йиғлаб юборди ва дадасининг ёнига чўккалади. Маҳаррам орқасига ўгирилиб, зарда билан Нилуфарга бақди.

- Юрмайсанми, нега ўтириб олдинг?

- Дадамни ташлаб кетмайман! - йиғи аралаш Қобилжонни қучди Нилуфар.

Қобилжоннинг юраги ҳапқириб, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Қўшниларнинг кўзига ҳам ёш келди. Бироқ Маҳаррам Нилуфарга қаҳр билан боқди.

- Ўлиб кет! Агар менинг орқамдан борадиган бўлсанг итдек қувиб ҳайдайман. Иккаланг ҳам ўша сассиқ тўшакнинг устида қўшмозор бўл!

Шундай дея Маҳаррам уч ўғилни бошлаб чиқиб кетди. Улар кетишгач, Нилуфарни юпатиш жуда қийин бўлди. Худди ўша куни Нилуфар бир мучалга тўлган экан. Дадаси уни бағрига босиб шундай деди:

- Бахтингни берсин қизим. Етти кундан буён овқат емаётган эдим. Энди ейман. Эртага мучал тўйингни қиламиз.

Шундай қилиб Нилуфар дадаси билан қолди. Эртасига Қобилжон нафақа пулини олиб, ота-бола Нилуфарнинг мучал тўйини нишонлашди. Сирожиддин тоға ҳеч дадасига бўлган меҳр-муҳаббати учун қўшни қизалоқни роса дуо қилди.

Рўзғорнинг ҳамма иши Нилуфарга қолганди. Мактабдан қайтади-ю, дадасининг атрофида парвона бўлади. Кунларнинг бирида унинг синфдоши Гулчеҳра: "Қўшни қишлоқлик табиб, ҳар қандай касални тузатиб юбораяпти экан", - деган гап топиб келди. Дам олиш кунларининг бири Нилуфар табибни қидириб топиб борди. Унинг дарвозасидан ичкарига кириб, табибни кўрди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Табиб унинг хўрлиги келганини дарров сезди.

- Ҳа, қизим нима бўлди? Йиғламай, мақсадингни менга тушунтир.

- Дадамни тузатиб беринг. Илтимос, тузатиб беринг. Тузалса бир умр хизматингизни қиламан. Йўқ деманг!

- Тангри шифо берса, албатта тузатамиз, - унга тасалли берди табиб. - Фақат йиғлама. Мени уйларингга бошлаб бор.

Табибнинг муолажаси ҳақиқатан ҳам Қобилжонга фойда бера бошлади. Бир йил тўшакда ётган одам икки ҳафта ўтиб, биринчи бор қаддини тиккалаб ўтирди. Нилуфар унга ёрдамлашиб, болишга суяб, ўтқазиб қўйди. Қобилжон ўша куни Яратганга минг бор шукр қилди. Унинг қалбидан: "Ўлиб-нетиб қолсам, Нилуфар сарсон бўлиб қолади-да", деган изтироб салгина чекинди. Худди мана шу паллада, унинг маҳалладоши Исмоил ака битта тарвузни қўлтиқлаб, хабар олгани кириб қолди. Қобилжон негадир шу маҳалладошини унчалик хушламасди. Уни "Исмоил дўқ", дейишади. Ўзи салгина асабийроқ, худди уришаётган одамга ўхшаб, бақириброқ гапиради. Исмоил ака унинг ёнига чўккалаб, юзига фотиҳа тортди.

- Бир яхши тузалиб қолибсан-ку, Қобил. Уйда ўтиравермай, энди ҳаракатингни қил.

- Кошкийди, ҳаракатга ярамайман-да, - жавоб қилди Қобилжон.

- Нега ярамайсан? - унга дўқ қилди Исмоил ака. - Сал қимирлаб ишласанг, овунасан. Суякларинг ҳам жойига тушиб, тезроқ тузаласан. Сенга битта иш бор. Мен айтган гапга унамасанг, сен билан бошқа гаплашмайман.

- Қанақа иш? - қизиқсинган бўлди Қобилжон.

- Дарвозангни олдига жиндай тижорат оч. Уйда ўтирдинг нима-ю, дарвозанинг олдида ўтирдинг нима? Ўтган-кетганни кўриб ёзиласан. Уч-тўрт сўм топиб, рўзғорни тебратасан.

- Унга дастмоя керак-да, - иккиланди Қобилжон.

- Мана ўша дастмояни ўзим билан олиб келдим. Топганингда қайтарасан. Ма, шуни олмасанг, қаттиқ сўкаман.

Қобилжон Исмоил акадан бундай мурувватни ҳеч қачон кутмаганди. Маҳаллада битта-ю, битта ҳушламайдиган одами унга ёрдам қилгани келганди. Ёру дўст, қариндош-уруғлардан чиқмаган гапни Исмоил дўқдан эшитиб турганди.

- Пул олганимга тилхат ёзиб берайми?

- Тилхатингни нима қиламан. Лафзинг бутун йигит бўлмаганингда, бу гапни айтмасдим. Қизингни бозорга жўнатсанг, нима керак бўлса, ўзим арзонроқ олиб бераман. Ота-онанг эртароқ оламдан ўтиб кетишмаганда, бунчалик қийналиб қолмасдинг. Эртага дарвозангни олдида кўрайин сени.

Исмоил аканинг баҳонасида дарвоза олдида озгина тижорат очилди. Қобилжон ҳам аста-секин оёққа туриб, дарвоза олдига унинг ўзи юриб бориб келадиган бўлди. Хотини Маҳаррам, ўгиллари эса ўша бўйи қорасини кўрсатмай кетишди. Нилуфар эса уйнинг ишларига улгуриб, мактабда ҳам яхши ўқиётганди. Ҳамқишлоқ ўқитувчилар ўтган-кетганда Қобилжонга кўпдан-кўп шундай дейишарди:

- Қизингизни зеҳни ўткир, албатта уни ўқитинг.

Қобилжоннинг нияти ҳам аслида ана шунақа эди. Қизининг меҳр тафти унга куч-қувват, ишонч бахш этиб, кундан-кунга соғлиги яхшилана бошлади. Тижоратлари ҳам катталашиб борди.

Маҳаррамнинг тақдири не кечди, дерсиз? Гарчи унинг ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлса ҳам, ҳали чиройли-миччатини йўқотмаганди. Вақти-вақти билан лабораторияда ишлайдиган дугонасининг ёнига бориб, дарду ҳасратини тўкиб келадиган одати бор эди. Ўша дугонаси кунларнинг бирида унга шундай деб қолди.

- Ўзингни қадрингга ўзинг етмаяпсан. Қадди-қоматингни қара. Эрингни ўлишини кутиб ўтирасанми? Билиб ишингни қил.

- Нима қил дейсан?

- Сатторхон акамлар устингдан зар сочмоқчи бўлиб юрибди.

- Йўғ-е?! Тўртта болам билан бошига урадими?

- Худога шукр демайсанми?! Бугун ишдан кейин унинг ҳовлисига ўтиб, салқинлаб келамиз. Ўнта боланг бўлсаям боқади. Ўзингни ҳам қўғирчоқдай олиб юради.

Одамни одам бузар экан. Маҳаррамга Абдусаттор аканинг соя-салқин ҳовлиси жуда маъқул келиб қолди. Унинг айтишича, бу ҳовлини атайлаб Маҳаррамхонга инъом этиш учун олганмиш. Тўғрироғи, Абдусатторхон деган бу кишининг молдавлати ўзига етарли эди. Унинг хотини оламдан ўтгандан кейин, фарзандлари орасида муросасизлик бошланибди. У эса: "Ўзимнинг жоним ўзимга керак", - дея фарзандларига билдирмай, мана шу ҳовлини сотиб олибди. Сойнинг бўйидаги бу ҳовли шунақаям шинам эди-ки, Сатторхон аканинг хушомадларидан сўнг Маҳаррамнинг юраги така-пука бўлиб қолди. Хуллас, Абдусатторхон акага тинчтотув яшайдиган битта ҳамхона керак экан. Маҳаррамхонга бутун меҳр-муҳаббати тушиб қолганмиш.

Одамнинг нияти бузилса, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолар экан. Маҳаррам мана шундай одамни қўлдан чиқаргиси келмади. "Ўша янги ҳовлидаги уйни, касалванд эрни елкамнинг чуқури кўрсин", - деган қарорга келди. Тўшакка михланиб ётган эрдан тезроқ қутулиш учун чора излаб, охири дугонасининг маслаҳатини маъқул, деб топди. Бор таваккал қилиб, эрни уч талоқ қўйди.

Маҳаррам бир ҳафта ҳам ўтмай, кенжа ўғли билан ўша Абдусатторхон аканинг шинам ҳовлисига жойлашиб олишди. Унинг икки ўғли эса бувилари билан яшай бошлашди. Абдусатторхон раҳматли хотинидан қолган тилла тақинчоқларни Маҳаррамга олиб келиб берганди. Аммо Маҳаррамни очиқ-ошкора никоҳига олишни пайсалга солиб келаётганди. Сабаби унинг фарзандлари орасидаги низо-адоват ҳеч хаёлига етмаётганди.

Нима қилганда ҳам Маҳаррам шаҳарнинг шундай бўсағасидаги бу шинам ҳовлида етти йилни ўтказди. Шу вақт ичида унинг иккала катта ўғли ҳам мактабни бирин-кетин битиришиб, Россияга ишлагани кетишди. Кичик ўғли эса негадир йўқолиб қоладиган одат чиқарди. Маҳаррам уни ойлаб қидириб, бошқа шаҳарлардан топиб келарди.

Энди Қобилжонга келсак, у ўзини батамом тижоратга бахшида қилди. Нилуфар иккаласи қишлоқда дўкон очишди. Бора-бора эскироқ бўлсаям "Тико" машинаси сотиб олишди. Қобилжон: "Қизимни ўқитаман, тенгини топиб узатаман. Ана шундан кейин уйланаман", - деган ниятда эди. Нилуфар ўз билими билан институтга жойлашиб олди. Нилуфарнинг ўқиши тугагунча яшаб туриш учун шаҳардан чоғроққина уй сотиб олишиб, ота-бола кўчиб келишди. Бу шаҳар албатта Маҳаррам яшаётган жойдан анча узоқроқда эди. Нилуфар аясини гоҳи-гоҳида кўриб қоларди. Лекин бегона одамлардай бир-бирларига эътиборсиз ўтиб кетишаверарди. Маҳаррам ҳар гал қишлоққа тилла тақинчоқларини тақиб, ороланиб борарди. Кўпдан-кўп уни Сатторхон аканинг машинаси олиб бориб кўярди. Нилуфар эса бунга эътибор бермас, иложи борича аясига тўқнаш келмаслик учун ўзини олиб қочиб юрарди.

Нилуфар институтда ҳам жуда яхши ўқий бошлади. Унинг тиришқоқлигидан мамнун бўлишган домлалар илмий ишда ўзини синаб кўришни таклиф қилишди. У ўзбекона қадр-қиммат мавзусига жуда қизиқиб қолди. Уруш йилларида Ўзбекистонга жўнатилган болаларнинг тақдири билан қизиқиб, "Меҳрибонлик уйлари"ларига ҳам ташриф буюра бошлади. Ана шундай кунларнинг бирида, ўзига термулиб турган йигитчага кўзи тушиб қолди. Унга яхшироқ боқиб, укаси Аваздекка ўхшатди. Йигитча унга яқинлашиб, қутилмаганда шундай савол берди:

- Сизнинг исмингиз Нилуфархонми?

- Сиз қаёқдан билдингиз? - савол ташлади Нилуфар.

- Биламан, - деди йигитча. - Менинг исмим Аваздек.

Нилуфарнинг вужудига бирдан титроқ турди.

- Аваздек?! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

- Уйдан қочиб кетдим. Бу ерга келганимга саккиз ой бўлди.

- Нега қочиб кетдингиз?

- Орият қилдим, шекилли. Сизни олдин келганингизда ҳам кўргандим.

Нилуфарнинг кўзларидан ёш қуюлди. Укасини бағрига босиб, хўнграб йиғлаб юборди. Ўша куниёқ дадасини бошлаб келди. Сўнг Аваздекни уйга олиб кетишди. Бу кун йигитчанинг бир умр ёдида қолса керак. Чунки у худди ўша куни бир мучалга тўлган экан.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Нилуфарга институтнинг дарвозаси олдида уни икки киши кутиб турганини айтишди. У: "Ўқишга кириш ниятида қишлоқдан келганлар бўлса керак", - деб ўйлаганди. Аксинча, дарвоза олдида уни иккила акаси кутиб турибди экан. Иккаласининг ҳам омади юришмай, Россиядан қайтиб келишибди. Ҳамқишлоқлардан Аваздекни "Болалар уйи"дан олиб кетишганини эшитишибди. Ака-ука шаҳарда тентираб юришган экан...

Кейин нима бўлди дерсиз? Қобилжон болалар билан қишлоққа қайтиб, икки ўғилни баравар уйлантирди. Маҳаррам эса тўйга келмади. Тўғрироғи уни ҳеч ким тўйга айтгани ҳам йўқ.

Битта қизнинг меҳри бу оилани қайта жипслаштирди. Яқинда Қобилжон Нилуфарни ҳам куёвга узатди. Унга оқ фотиҳа бериб: "Чинакам бахтингни топ, қизим", - дея дуо қилди. Қиз боланинг меҳри, ана шунақа улуғвор бўларкан.

Комилжон НИШОНОВ,
Андижон шаҳри.

"Туя кўрдингми?" "Ҳа..."

Уйга қайтаётган пода шом қоронғусида тарқалиб кетди. Чўпонлар балчиққа ботган қорамолни чиқариб олгунларича сигир-бузоқлар атрофга ёйилиб, уларни санашнинг ҳеч иложи бўлмади. Фақат қишлоққа қайтишгандагина 7 та сигир, бузоқнинг йўқолгани маълум бўлди...

Маҳаматрўзи оиласини боқиш учун қўл урмаган иши қолмади ҳисоб. Охири Бекободга асал, пиёз олиб бориб, сотиб юрди. Тақдир уни М.Акюлов ва Қ.Бойқўзиевлар билан учраштирганда пул топишнинг энг осон йўли бу ўғрилик, деган фикрга келиб бўлган эди. Белинг оғримайди, қўлинг қора меҳнатда қораймайди, қоплаб оғир юк кўтармайсан. Энг аввало қулай фурсатни бой бермаслик ва ҳеч ким кўрмаслиги керак. Қарабсанки, мол бозоридан қайтаётганингда 100-200 минг чўнтагингда. Маҳаматрўзининг содда, аммо ўта даромадли режаси М. Акюлов ва К. Бойқўзиевларга ёққани шубҳасиз. Нима кўп, ёз кунида қаровсиз боқилаётган қорамол кўп. Шартта 3-4 тасини юк машинасига босишади-да қўшни вилоятга олиб бориб сотишади. Туя кўрдингми? Албатта, "йўқ" деб юраверишади. Маҳаматрўзи Янги таништлари билан ўғрилик режасини пухталаб олгач, асосий ишга киришдилар. Бир неча таклифлардан сўнг мол Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидан ўғирланадиган бўлди. Туман чўл худуди эмасми, ҳар бир деҳқоннинг оғилида камида иккитадан қорамол боғлиқлик туради. Бундан ташқари туман Сирдарё вилоятига ҳам яқин. Қайдасан Зарбдор деб йўлга чиққан ўғриларга биринчи "ов"даноқ омад қулиб боқди. Кеч соат 23.00 лар бўлишига қарамай, пахта даласида юрган қорамолларни кўриб "овчи"лар қувонганларидан қийқириб юборишдан аранг ўзларини тийдилар. Зеро, "операция" овоз чиқармай ҳаракат этишни тақозо этарди.

Шериклар атрофни кузатиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, қорамолларни юк машинаси яқинига ҳайдаб келишди-да, чаққонлик билан 7 та сигир-бузоқни ЗИЛга ортиб, Бахт шаҳри томон равона бўлдилар.

Тонги соат 4 бўлишига қарамай мол бозор ниҳоятда гавжум. Даллолларнинг "ҳа, бўлди" деган ҳайқириқлари, сотувчи-харидорнинг бақириқлари, турли тусдаги қорамол-у, қўй-эчкиларнинг овозларини тонг сабоси узоқ-узоқларга ёярди. Шарқ бозорларининг ўзига хос қирраларини биргина шу ернинг ўзидаёқ кўриш мумкин эди. Бозорнинг гавжумлиги Маҳаматрўзини яна бир бор қувонтирди. Ит эгасини танимайди. Демак, қўлга туширган молларни арзонроқ беришса, ишлари тезгина битади. Қарабсизки...

Шериклар иккитадан мол етаклаб бозорнинг турли бурчакларига тарқалишди. Орадан бир соат вақт ўтар-ўтмас 5 та қорамол сотилди. Маҳаматрўзи қолган ғунажинлардан бирини 147 минг сўмга сотиб, пулини олаётганида ўзи томон келаётган милиция ходимларини кўриб шошиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, шериклари аллақачон ҳибсга олинган, эндиги навбат эса уники эди. Пулни шоша-пиша чўнтакка тиқиб, ўзини одамлар орасига урди. Бахтликлар анча сезгир экан, бир пасда сотилаётган 7 та қорамолнинг ўғирланганини сезиб, милиция ходимларига хабар беришга улгуришибди, азаматлар. Маҳаматрўзи шу куни ИИБ ходимларидан қочиб қутилди, аммо "виждон азобидан" қутила олмади. Бош эгиб Зарбдор туман ички ишлар бўлимига борди.

М. Қўзиев қилган ишидан қанчалик пушаймон бўлмасин, кечирим сўрамасин жиноятига яраша жазосини олди. Шодиёр Каримов ҳам одил суд олдида гуноҳига яраша жавоб берди...

Шодиёр балоғат ёшига етгач, ота-онасининг бағрида кўп яшамади. Отасининг таъбири билан айтганда, уларнинг ўғлидан қарзи қолгани йўқ. Қўлларидан келганча тарбиялашди, ўстиришди, уйлантиришди, аммо энди йигит ўлгур 25 ёшга кириб ҳам бирор ишнинг бошини тутмагач, "ўз кунингни ўзинг кўр",- дея кўча эшигини кўрсатиб қўйишди. Ота-онасининг бу ҳаракатидан қаттиқ хафа бўлган Шодиёр "аразлаб" Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида истиқомат қилувчи қайнотасиникидан бошпана излаб кетди. Нима бўлганда ҳам ўз қизлари-ю, куёвини кўчага ҳайдашмас. Шодиёр ўйлаганидек, қайнотаси Қурбонбой ота ёш-келин куёвга уйидан жой берди. Куёвининг бу ерда нима билан шуғулланишини бироз маслаҳатлашишди. Шодиёр қайнотаси уни текинга боқмаслигини тушунгач, олдиндан ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш учун қулай фурсат етганлигини англади.

-Ота, Менга 80 минг сўм пул керак. Зарбдордан иккита қўй олиб келаман. Бу ерда сотсам, рўзғорга озгина бўлсада ёрдамим тегармиди?

Қурбонбой ота куёвига тикилар экан, ундан нечук "иссиқлик" чиққанига ажабланди.

- Лекин, 80 мингга иккита қўй бермайди, болам?

- Биламан, бундан икки йил аввал таниш чўпонга 20 мингга иккита қўзи олиб бериб қўйганман. Шулар катта бўлиб қолган. Ўтган сафар кўрганимда олиб кет, деганди.

- Майли, фақат қайноғанг Баҳриддин билан бирга бориб келарсизлар, қачон кетмоқчисизлар?

- Иложи бўлса бугун, ҳали кира қилиб келган "Тико"нинг ҳам пулини берганим йўқ.

Қурбонбой ота индамади-ю, аммо ўғли Баҳриддинга куёви сўраган 80 минг сўмни берди. Шодиёр ҳайдовчига кира пулини тўлаб, қайноғаси билан яна орқага қайтди. Зарбдорга етиб келишганида кун кеч бўлган бўлса-да, отаси уйга ҳали қайтмаган экан. Баҳриддинни уйга ташлаб, "ҳозир қўйни олиб келаман" деб ташқарига чиқди-да, девордан қўшнисининг ҳовлисини анча пайтгача кузатиб турди. Боя гап орасида онаси қўшниларнинг Пахтакорга гаштакка кетганини айтгандай бўлувди. Ҳақиқатан ҳам ҳовлида ҳеч ким кўринмайди. Фақат бир марта қўшнининг қизи Насиба ҳовлига чиқиб, яна уйга кириб кетди. Бироздан сўнг хонасининг чироғи ҳам ўчди.

Шодиёр яна бир бор атрофни кўздан кечиргач, чаққонлик билан девордан ошиб тушди-да, оғилда боғлоқлик турган 1 яшар бузоқни етаклаб чиқиб келди.

Ўғлининг шошилинч орқага қайтишини эшитган онаси уларни ушлаб ўтирмади. Ҳали замон отаси келиб, Шодиёрни кўрса жаҳли чиқади. Кетгани маъқул.

- Ака, қўй олиб келаман, девдингиз-ку?

Баҳриддин кўча четидаги дарахтга боғлоқлиқ турган бузоқни кўриб ҳайрон бўлди.

- Қўйларнинг ҳаммаси далада экан, ўрнига манови танани берворди. Нархи шунга тўғри келганидан кейин, қўй бердими, танами нима фарқи бор?

Баҳриддин индамади. Аммо бузоқни ҳайдаб кетишаётганда кўчада келаётган одамни кўриб, Шодиёр арқонни ташлаб, ўзини дарахтлар панасига олганини кўриб, шубҳаланди.

Қурбонбой ота куёвининг қўй эмас, тана олиб келганини эшитиб ҳайрон бўлди. Шодиёрнинг тушунтиришлари уни ҳам қониқтирди шекилли, ортиқча суриштириб ўтирмади-ю, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас бундан жуда афсусланди. Куёвининг нопок қилмиши тўрт кун ўтгач аён бўлди. Ш. Каримов ЎзР ЖКсининг 169-моддаси 2-қисми "г" банди билан айбдор деб топилиб, 2 йилга, ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 25% миқдорда ундириш билан ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди.

Н.ҚОСИМОВА,
журналист.

Ҳикир-чикир... Лекин...

Нега ўйламайди?

Турмуш қурганимизга 7 йил бўлди. Бир ўғил, бир қизимиз бор. Болаларим жуда ширин, уларга тикилиб ўтириб, берганига минг қатла шукр, дейман. Турмушимиз ҳам ёмон эмас. Бировдан ортиқ, бировдан кам дегандай. Ҳар ҳолда хотиним "бор-у йўқдан" оби-дийда қилавермайди. Балки ўзи сабр-тоқатли аёлдир. Ҳа, у ростдан ҳам яхши рафиқа. Ҳамма ёқ саранжом-сариштa, кийим-бошим топ-тоза. Қариндош-уруғларимни айланиб-ўргилиб кутади. Улар уни оғизларидан бол томиб мақтайди. Мен ҳам унинг яхшилигидан, рўзғоримнинг бутлигидан кўз юммайман. Аммо кўнглим-чи? Қаеридир салгина кемтикдай... йилдан-йилга шу кемтик аста-секин емирилиб бормоқда. Яна денг, арзимаган, айтишга андиша қиладиган майда нарсалар сабаб. Аввалига унча эътибор бермагандим. Мана 7 йилдир-ки, шу арзимаган нарсани ўзгартира олмадим. Ҳатто у кўнглимда ярага айланиб бормоқда. Гап хотинимнинг бир одати ҳақида кетаяпти. Эркак бўла туриб майда гап, пасткаш экан, деб ўйламанг. Бу ҳақда хотинимдан бошқа ҳеч кимга оғиз очган эмасман. Ҳозир ҳам боя айтганимдек, буни ўқиб зора у ниманидир тушуниб етса деган мақсадда шу ишга қўл урдим. Чунки оғзаки айтиб чарчадим. Турмуш қурганимизнинг илк кунлариданоқ алоҳида яшаяпмиз. Ўша илк кунлардан бери олдимга катта косада лиқиллатиб тўлдириб овқат қўяди. Яна ўшандай косада қатиқ ва хоказо. Битта помидор ёки бодрингни тўрт бўлиб бир ликобчада келтиради-да, бақрайиб тураверади. "Ҳай, мингга киргур, менга овқатни ярим коса, чиройли қилиб сузгин, бунақа лиқиллаб турган овқатни кўрсам иштаҳам бўғилади",- десам: — Намунча, эркак киши катта-катта ейди, ичади. Ишлаб чарчаб келди деб, сизга ичим ачиб тўлдириб бераяпман, – дейди.

— Лоақал мана буларни чиройли қилиб кесиб, безаб олиб келмайсанми? – дейман ликобчани кўрсатиб. У эса:

— Ресторанда ишлайманми ёки сиз ресторанда ўтирибсизми? Ееверинг-да, нима фарқи бор, барибир қорнингизга тушади,– дейди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мана 7 йилдирки шу аҳвол. Косани отиб жаҳлим қилиб кўрдим. Илтимос ҳам қилдим. Маълум муддат ўзгариш бўлади-ю, яна ўз билганидан қолмайди. Инсоф бермаса қийин экан. У менинг хохишимни инобатга олмайди, мен унинг ҳар кунги бир хил суюқ-қуюқларига кўниколмайман. Баъзан, бор-э, деб индамаганимни айтмаса деярли ҳар куни шу гап. Йўқ бўлса бошқа эди. Уйда ҳамма масаллиқ бадастур. Бир жойда ишламаса, иккитагина боласи бўлса. Бир ажойиб нарсаларни пишириб-куйдириб, чиройли қилиб дастурхон тузаб ўтирса нима қиларкин? Биз оилада тўрт фарзанд бўлиб ўсганмиз. Ойимиз жуда пазанда, жуда маданиятли аёл бўлган. Ҳамма таомни чиройли қилиб безаб, оз-оздан, жойжойига қўйиб еб ўрганганмиз. Мана, ҳозир уйга боргим, минг ширин бўлса ҳам хотинимнинг олдимга қўядиган овқатини ичгим келмайди. Рости қорнимга тушса бўлди-да, ўрганиб кетарман, дея роса уриндим. Бўлмади, онамнинг дастурхонини бирам қўмсайман. Ахийри онамникига бориб, ёки кафеларга кириб овқатланадиган одат чиқардим. Баъзан онамникида ётиб қоладиган бўлдим. Бунга хатто қўника бошладим. Мен хотиним билан чиройли яшаб, ширинтой болаларимни бағримга босиб, қўша-қаришни хоҳлайман. Аҳвол бундай давом этаверса охири нима билан тугайди. Уйдан кўнглим совий бошлашига ўзининг арзимаган одати – косани лиқиллатиб тўлдириб овқат бериши сабаб эканлигини хотиним нега тушуниб етмайди?! Бу кўнгил хираликларни бартараф қилиш осонгина иш эканлиги ҳақида нега ўйламайди?! Сиртдан қараганда жуда бахтли оиламиз. Худо кўрсатмасин, эртага бир нима бўлса: -"Анаву аҳмоқ бекордан-бекорга гулдай хотинини, болаларини ташлаб кетди", дейишади одамлар. Ўзимга ҳам бу гаплар арзимаган нарсадек туюлади. Аммо ўзимдан ўтганини ўзим биламан.

НУСРАТ.



Ушбу саҳифа «Умид ва ишонч» тиббиёт марказининг директори Баҳодир Раҳматуллаев маслаҳатлари асосида тайёрланди.

Ёзнинг энг ажойиб ва фойдали тарвузи нафақат сершув ва ширинлиги билан фойдали, балки у танамиздаги кўп хасталикларни даволашга ҳам катта ёрдам берадиган йўл-йўл халатли шифокордир. Тарвуз эгатларда тўла пишиб етилган бўлиши керак. Бугун бу ажойиб неъматнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берамиз.

ТАРВУЗНИНГ КАТТАСИ ФОЙДАЛИ... ми?

Тарвуз етилган мавсум танани тозалашнинг энг яхши вақтидир. У буйрак, жигарни хилтлардан тозалаб, қон-томирлардаги тиқинларни очади. Кўпчилик тарвуз танлаётганда энг каттасини олишга ҳаракат қилади. Бироқ каттаси энг яхшиси, деган гап эмас. Барвақт етилган тарвузлар турли кимёвий ўғитларга тўйинган бўлади. Бундай тарвузларни истеъмол қилиш натижасида кўпчилик захарланади. Хўш, унда қандай қилиб фойдали ва етилган тарвузни танлаш мумкин?

ЖУДА ПИШГАН БЎЛСА...

Ҳар нарсанинг вақти бор, деб бекорга айтишмаган. Августнинг ўртасидан бошлаб тарвузлар ҳаққоний етилган бўлади. Тарвуз сотиб олаётганингизда қуйидагиларга аҳамият беришингиз керак.

•Тарвуз қорамтирроқ рангда бўлиб, йўл-йўл чизиқлари оқишроқ бўлиши керак.

• Етилган тарвузнинг пўсти силлиқ ва ялтироқ бўлади.

• Тарвузда ерга тегиб турган оқиш жойи камроқ бўлгани маъқул. Агар бу доғ кўп бўлса тарвуз сувли ва унча ширин бўлмайди.

• Уни шапатилаб уриб кўринг. Агар овози жаранглаб чиқса демак у хом.

• Икки қўлингиз билан танлаган тарвузингизни сал сиқиб кўринг. Агар ундан ғижирлаган овоз чиқса, демак пишиб етилган бўлади.

ЭНГ ФОЙДАЛИ...

Турли кимёвий ўғитларсиз етиштирилган тарвузни танлаб олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги қоидаларга амал қилишингиз керак бўлади.

1. Вазни 7 килогача келадиган ўртача катталикдаги тарвузни танланг. Мабодо кўпроқ керак бўлса бир нечта кичикроқ тарвузларни олинг.

2. Диққат билан текшириб кўринг. Агар унинг сал қорайган жойидан чириш бошланган бўлса, демак, ичига шприц билан (селитра) кимёвий ўғит юборилган бўлади.

3. Банди сариқ ва сал қуриганроқ бўлиши зарур. Жуда қуриб қолган бўлса демак, бу узилганидан буён кўп вақт ўтганлигини билдиради. Агар банди узиб ташланган бўлса, харидордан нимадир сир тутишаяпти. Шундай қилиб бу тарвузни четга қўйишингизга ва бошқасини танлашингизга тўғри келади.

4. Ёрилган, эзилган ва зарарланган тарвузларни олмаганингиз маъқул.



Чунки бу жойлардан турли микроблар кирган бўлиш эҳтимоли бор.

Яхшилаб танланган тарвуз эса сизга шодлик ва саломатлик бахш этади.

Тарвузнинг қалин пўсти,унинг уруғлари ҳам жуда фойдали. Улардан турли касалликларни даволашда фойдаланилади.

• Тарвуз уруғлари иссиқни туширадиган ва гижжа ҳайдайдиган восита ҳисобланади. Янги уруғларини бир қошиғини майдалаб, бир стакан қайноқ сув қўшилади. У 20 минут тургандан кейин сузиб олиниб, ҳар икки соатда бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

• Колит ва ичакларда микроб пайдо бўлганда бир ош қошиқ тарвуз пўсти устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, паст оловда 10 минут қайнатилади. Сўнг 10 минут тиндириб қўйилади. Ушбу дамлама эса ҳар куни уч маҳал овқатлангунга қадар ярим стакандан ичилади.

• Танани турли хилтлардан тозаламоқчи бўлсангиз 5 кун давомида фақат тарвуз енг. Тарвуз парҳезида ўтирганингизда бошқа ҳеч қандай маҳсулот истеъмол қилмаслигингиз керак. Бу жуда енгил ва ёқимли ситадир.

Аденома касаллигида: Ҳар куни 2 килограммдан тарвуз истеъмол қилинг ёки кунига 4 маҳал 2 стакандан шарбатидан ичинг. Тарвуз шарбатини сабзи шарбати билан аралаштириб ичса ҳам бўлади.

Артритда: Кунига 3-4 бўлак тарвуз бўлагидан енг. Ушбу муолажани шифокор билан маслаҳатлашиб яна давом эттиришингиз мумкин.

Хотира сусайганда (атеросклероз): Ҳафта давомида творогли, баликли, олмали, тарвузли парҳез кунлари ўтказинг. 1,5 килограмм тарвузни бешга бўлиб кун бўйи истеъмол қилинг.

Йўғон ичак шамоллаганда: 100 грамм қуритилган тарвуз пўсти устига 2 стакан қайноқ сув қуйиб, совутасиз. Сўнг ҳар куни 4 маҳал ярим стакандан ичасиз.

Ҳарорат кўтарилганда: Тарвуз уруғини 1:10 миқдорида сут билан аралаштириб, ҳар 2 соатда 1 чой қошиқдан ичиб турасиз.

Бош оғриғида (мигрен): 2 стакан тарвуз шарбатини аста-секин, қултумлаб ичинг. Пешона ва чаккага тарвузнинг қалин пўстидан боғлаб қўйинг.

Гижжа туширишда: Тарвуз уруғини духовкада қиздириб, туясиз. Сўнг 1:10 миқдорида сут билан аралаштириб кун бўйи ичасиз.

- 100 грамм тарвуз уруғини майдалайсиз-да, устига 1 литр совуқ сув қуясиз. 45 минут паст оловда қайнатасиз. Кунига 3 маҳал 1 стакандан ичасиз.

Ич кетганда: 2 ош қошиқ тарвуз уруғини туйинг-да, кун давомида 1 чой қошиқдан, иккинчи кундан бошлаб 2 чой қошиқдан еб, устидан қизил вино ёки мойчечак (ромашка) дамламасидан ичинг.

Ўт пуфагида тош бўлса: Нонушта ва кечки овқатга 500 граммдан тарвуз еб, дистилланган сув ичинг.

Сурункали ич қотиши (запор): Ҳар куни 1 килограммдан тарвуз есангиз, 5-6 кундан сўнг тузаласиз.

• 1 ош қошиқ туйилган тарвуз пўсти устига 1 стакан ялпиз дамламасидан қуясиз, 20 минут қайнатасиз. Ушбу аралашмани овқатдан олдин ейишингиз керак.

Жиғилдон қайнаганда: Бир стакан тарвуз шарбатидан ичсангиз кифоя.

Юрак ишемик касаллигида: Бир стакан тарвуз шарбатига 2 дона олма шарбатини аралаштириб, ҳар куни 2 стакандан ичасиз.

Яралар ва моматалокда: Моматалоқ бўлган тери устига тарвуз бўлагини босиб, яралар тарвуз шарбати билан ювилса тезда тузатади.

Тошмада (диатез): Икки ош қошиқ майдаланган тарвуз пўсти устига 0,5 литр қайноқ сув қуйиб, сузиб оласиз. Бу шифобахш дамламани ҳар куни 1/2 стакандан, овқатланишдан 30 дақиқа олдин истеъмол қиласиз.

(Давоми 16 - бетда)

Табобат ЖУМА

ЖЎХОРИ — ДАЛА МАЛИКАСИ

(Боши ўтган сонда)

Ошқозоности безлари касаллиги, танада модда алмашинуви ва асаб бузилганда: Оқ жўхорининг сутли, юмшоқ сўтасини устидаги қобиғи ва попуклари билан бир соат қайнатасиз. Тайёр бўлган дамламани кунига уч маҳал 1-2 стакандан ичасиз. Бу ўзингизни тезда қўлга олишга катта ёрдам беради.

Буйрак, сийдик йўллари ва жигар хасталигида: Уч ош қошиқ қуритилган жўхори попуклари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, 30 минут давомида қайнатасиз. Сўнг совутиб сузиб оласиз. Ушбу дамламани 1/4 стакан миқдорида ҳар куни уч маҳал овқатдан олдин ичасиз.

• 100 грамм жўхори донлари ва 20 дона наъматакни аралаштирасиз. Устига 3 стакан сув қуйиб, паст оловда 30 минут қайнатасиз. Дамлама совугач уни сув ўрнига истеъмол қиласиз.

• Цистит ва вақти-вақти билан сийдик чиқиб кетганда 0,5 стакан жўхори попуклари ва бир стакан майдаланган олча шохлари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб дамлама тайёрлайсиз. Таъбга қараб асал қўшиш ҳам мумкин. Сўнг кун бўйи истаганингизча ичишингиз мумкин.

Глаукома ва кўзга қон қуйилганда: 15 грамм қуритиб, майдаланган жўхори попуклари устига бир стакан қайноқ сув қуясиз. 40 минут турганидан кейин сузиб оласиз-да, кунига 3-4 маҳал 1-3 ош қошиқдан ичасиз.

Камқонликда: Бир ош қошиқ янги жўхори попуклари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, 30 минут дамлаб қўясиз. Сузгач, кунига 1/2 стакандан уч маҳал, овқатланингиздан кейин 2 соат ўтгандан кейин ичасиз.

Семизликда: Бир ош қошиқ қуруқ, майдаланган жўхори попуклари устига бир стакан совуқ сув қуясиз. Қопқоғи маҳкам беркитилган идишда 30 минут қайнатасиз. Ҳар уч соатда уч ош қошиқдан ичиб турасиз.

Шишганда: 10 грамм жўхори попуги устига 1/2 стакан қайноқ сув қуйиб, 1 соат ўраб қўясиз. Сузиб олгач эса 2 чой қошиқ асал аралаштириб совутасиз. Дамламани ҳар 2-4 соатда 1-3 ош қошиқдан ичиб турасиз.

Подагра, ревматоартритида: Бир чой қошиқ жўхори попуклари устига бир стакан сув қуйиб, паст оловда 10 минут қайнатасиз. Ушбу дамламадан икки ой давомида ичиб юрасиз. Шунингдек, оғриган жойни қизил латта ёки қизил ип билан боғлаб қўйсангиз, оғриқ ўтиб кетади.

Жигар хасталигида: 1 чой қошиқ жўхори попуги устига бир стакан қайноқ сув қуйиб 20 минут қайнатасиз. 30 минут ўраб, тиндирасиз. Икки ош қошиқдан ҳар икки соатда ичасиз. Бу вақтда тузли овқатлар ва суюқликдан тийилишингиз керак бўлади.

Бод (ревматизм): Бир чой қошиқ жўхори попуги устига бир стакан сув қуйиб паст оловда 10 минут қайнатасиз. Бу дамламадан ҳар куни 2-3 стакандан ичасиз. Даволаш муддати 8 ҳафта.

Қанд касаллигида: Бир ош қошиқ жўхори попугини туйиб, устига 1 литр қайноқ сув қуясиз. Совутганингиздан кейин, кун бўйи сув ўрнига ичиб юрасиз.

• 100 грамм эланмаган жўхори уни устига 1 литр сув қуйиб 1 соат давомида пиширасиз. Тайёр бўлганидан кейин эса 2 ош қошиқ олча ёки малина шарбати, 3 ош қошиқ янчилган ёнғоқ, қўшасиз. Бу аралашмадан ҳар куни 100 граммдан кунига уч маҳал овқатланишдан 30-40 минут олдин ейсиз. Шу билан биргаликда қанд касаллигини даволашда ичиладиган дамламаларни ҳам ичишингиз мумкин.

Безгак ва мигрень (бош оғриғи): Бир ош қошиқ жўхори ёғини ҳар куни эрталаб овқатланишдан олдин ичиб олинг.

Кўз чети қурукшаганда: Бир ой давомида бир ош қошиқдан жўхори ёғи истеъмол қилинг.

Уйқусизликда: 5-7 минут давомида чаккани, шунингдек, тизза, кафт, тирсак, товонларни ишқалаш керак.

Соч тўкилганда: Илиқ жўхори мойини бош терисига сурилади. Сўнг иссиқ сув билан ҳўллаб, сиқиб олинган сочиқ билан ўраб қўйинг. Бу муолажани 5-6 марта қайтаринг.

Моматалоқ: Кўкарган жойингизга жўхори қайнатмасини компресс қилинг.

Қурукшаган терига: Бир дона тухум оқини бир чой қошиқ жўхори ёғига бир чой қошиқ асал аралаштириб терига қўйилади. Сўнг илиқ сувда пахта билан артиб ташланади. Бу муолажани юзга бир-икки марта қилиш кифоя.

Аллергик тошма ва темираткида (лишай): Иккига бўлинган жўхори донларини топ-тоза товага солиб янчийсизда, унинг қорамтир сувини зарарланган жойларга сурасиз.

ДИЛДОР ва ГУЛБАШАКАР тайёрлашди.

САРВҚОМАТ БЎЛИШ



Ҳар бир аёл қомати кўркам бўлишини истайди. Лекин, ҳар доим ҳам бунга эришиш осон бўлмайди. Қуйида Тошкент шаҳридаги «Эстемед» косметик салони директори, олий тоифали пластик жарроҳ Аброр Шерматовнинг ана шу борадаги маслаҳатларини ҳавола қиламиз.

Ҳаддан ташқари семиз кишилар ёз фаслида жисмоний жиҳатдан қийналиб, юрак ва томирлар зўриқиш хасталигидан қийналадилар. Бундан ташқари тананинг терлаши ортиб, бунинг натижасида терига боғлиқ жуда кўп муаммолар пайдо бўлади. Ваҳоланки, тўкин куз ортиқча вазндан қутулиш учун энг қулай вақтдир.

СУВ ОРТИҚЧА ВАЗННИ ЮВАДИ

Қуйида семиз ва тўладан келганлар учун озишнинг тўрт сирини маълум қиламиз.

Иссиқ кунларда ўзимиз истаганимиздан ҳам кўпроқ душ қабул қилишимизга тўғри келади. Шунда тери остидан тер ва чанг билан бирга тери остидаги, уни ҳимоя қилувчи ёғлар ҳам ювилиб кетади. Натижада эса... Теримиз қуруқшаб, қуёш нурлари остида кун сайин эмас, балки соат сайин қарий бошлайди.

Ваннада чўмилиш эса кўпроқ фойдали эканлигини билиб қўйиш зарар қилмайди. Турли табиий ўтлар, хушбўй воситалар қўшилган ванна суви теримизни қайишқоқ, таранг ва тетик қилиб, ортиқча вазндан ҳам халос қилади. Деярли кўпчиликнинг уйида ванна борлиги учун бу имкониятдан ҳамма фойдаланиши мумкин.

ВАННАДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ...

Ваннадаги сувга қўшиладиган ўтларни топиш қийин эмас. Қуритилган ялпиз, атиргул гулбарглари, настарин (сирен) гуллари, дераза токчасида ўсадиган ёронгул (герань) гулларидан фойдаланса ҳам бўлади. Уларни тенг миқдорда аралаштириб ваннадаги сувга қўшсангиз кифоя. Сувга бошингиз билан шўнғишдан чўчиманг, аксинча, ушбу шифобахш қўшилмалар таъсирида сочларингиз ипакдек майин бўлади.

ОРТИҚЧА ВАЗН БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМИЗ

Озишни истаганлар доимо, ҳатто, ваннада ётганда ҳам ҳаракатда бўлиши керак. Ваннада шунчаки ётишдан фойда йўқ. Шунинг учун :

✔ Аввало сувда ҳаракатланинг. Сув оқими тери ва мушакларни уқалайди.

✔ Бел ва қуймичларингизни қўлларингиз билан енгил массаж қилинг.

✔ Қаттиқ ишқалагични (мочалка) олиб танангиздаги ёғ тўпланган, семиз жойларини куч билан ишқаланг.

Сувга тушгандан кейин танангизни икки марта уқаланг.

Биринчи марта уқалагандан кейин сувга шўнғинг, сўнг ваннадан чиқишдан олдин яна такрорланг. Фақат бу муолажаларни бажараётганда асабийлашманг. Ваннага тушиш сизга хуш кайфият бағишлаши керак.

Агар турли шифобахш ўтлар қўшилган ваннага ҳар куни тушсангиз, бир ҳафтадан сўнг мушакларингиз таранглашиб, танангиздаги ёғ қаватлари эриганини сезасиз. Душга тушишни эса кун совуқ пайтларига қолдирганингиз маъқул.

Ванна муолажаси орқали озишни истаганлар ҳар қандай тузлар, ёғ, ўтлар дамламаси қўшишингиздан қатъий назар, қуйидаги қоидага амал қилишлари зарур.

✔ Ваннадаги сувнинг ҳарорати 38 даражадан ошмаслиги керак.

✔ Шуни унутмангки, ваннани ёки овқатланишгача, ёки овқатлангандан сўнг икки соат ўтгандан кейин қабул қилиш керак. Акс ҳолда сув босими ошқозонингизга таъсир қилиб, кўнглингизни айнитиши мумкин. Агар қоидага амал қилсангиз у ҳолда сувнинг майин уқалаши ичак фаолиятини яхшилаб, қабзиятнинг олдини олади.

✔ Илиқ сувли ваннада ётиш қанчалик ҳузур бағишламасин, ярим соатдан ортиқ ётиш мумкин эмас.

✔ Терига фойдали воситалар яхшироқ сингиши учун сочиқ билан артинишга шошилманг. Сувдан чиққанингиздан кейин танангиз қуригунча илиқ хонада бироз туринг.

Муҳими, ваннадан чиққач ҳеч қандай уй-рўзғор ишларини бажарманг. Тўппа-тўғри илиқ ўринга бориб ётиб, ухлашингиз шарт. Акс ҳолда ўзингизни толиқтириб қўясиз.

ОЛМА СИРКАСИ СЕКИН ОЗДИРАДИ, АММО...

Энди эса озишнинг иккинчи сирини очамиз. Ортиқча вазнни йўқотишга олмадан тайёрланган сирка катта ёрдам беради. Афсуски, буни кўпчилик билмайди. Ўз боғингизда етиштирилган, хушбўй, дармондориларга бой олмадан тайёрланган вино жуда кўп касалликларга барҳам бериб оздиради. Олма сиркасидан фойдаланиш усуллари эса қуйидагича:



— 0,5 стакан тоза сувга бир бўлак муз билан 0,5 стакан олма сиркасини аралаштирасиз. Тетиклантирувчи бу ичимликни ҳар куни кечки овқатдан ярим соат олдин ичилади.

Бу эса семизликдан қутулишга ёрдам берадиган энг ишончли усулдир.

Шунингдек, олма сиркаси йиллар давомида ичакларга йиғилиб қолган хилтларни ҳам тозалайди.

Иккинчидан, ичилган бир стакан суюқлик ошқозонингизни тўлдиради. Натижада кечки овқатга бўлган иштаҳангиз анча бўғилади.

ВАЗНИНГИЗ СИЗГА МАЪҚУЛМИ?

Олма сиркаси истеъмол қилгач, тезда озиб, қоматингиз чиройли бўлишини кутманг. Тажрибалар шуни кўрсатадики олма сиркаси ичилгандан кейин бирданига озиб кетмайсиз. Фақат ойига 2-3 килограмм вазнингиз камаяди, холос. Бироқ сиз ташвишга тушманг. Бу усул билан озганларнинг қомати кейинчалик, анча пайтгача ўз кўркамлигини сақлайди. Чунки, бу усул танадаги ёғ аламашиш жараёнини анча пайтгача меъёрлаштириб туради. Ва ҳеч қандай парҳезсиз ҳам йиллар давомида сарвдек қомат эгаси бўлиб қоласиз.

ТЎҒРИ НАФАС ОЛИНГ!

Сарвқомат бўлишнинг учинчи сири тўғри нафас олишдир. Бу кўпчиликка ғалати туюлса-да, жуда фойдалидир.

Тўғри нафас олмоқ танани кислород билан тўғри таъминлайди. Бу эса танадаги ёғларнинг белга йиғилиб қолмасдан қувватга айланишига ёрдам беради. Тўғри нафас олишни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки бу ошқозоннинг ишлашига ёрдам беради ва қорингга ёғ тўпланишига йўл қўймайди.

1. Қаттиқ ерга ёки полга ётиб оёқларингизни бирлаштириб, қўлларингизни икки ёнингизга қўйган ҳолда тўғри ётинг.

2. Тўртгача санаб, оёқларингизни тўғри тутган ҳолда ердан 10-15 сантиметр кўтаринг. Шу билан бирга танангизнинг юқори қисмини ҳам кўтаришингиз керак. Кафтингизни эса оёқларингизнинг учига теккизишга харакат қилинг.

Айнан шу ҳолатда қанча кучингиз етса, шунча пайтгача туришингиз мумкин.

Ушбу машқни бажарганингиздан кейин яна тўғри ҳолатга қайтинг. Биринчи марта ўзингизни унча уринтириб қўймаганингиз маъқул.

Эртасига эса шу машқни икки марта, индинига эса уч марта бажаринг. Мазкур машқларни бажараётганингизда толиқиб қолмаслигингиз керак. Чунки, танани чарчатиш фойда эмас, зарар келтиради.

Тўғри, дастлаб бу машқларни бажариш осон кечмайди. Лекин, натижаси жуда кўнгилли. Қорин мушакларингиз таранглашиб, хипчабел гўзалга айланганингиздан сўнг машқлар бажаришни асло канда қилмайдиган бўласиз.

Тўғри нафас олишга ўрганиб олгач эса, ҳеч қийналмасдан нафас олиб, ўпкангизни кўп ҳаво билан таъминлайсиз.

УЙҒУНЛИК ЙЎЛИДА

Озиш учун соғлигимиз заифлигини баҳона қилиш керак эмас. Бу билан вазн камаиб қолмайди. Шунинг учун уйда ҳар куни машқ қилиб тоза ҳаводан ўпкани тўлдириб нафас олинг, бироз югургандан кейин эса ҳузур-ҳаловатни ҳис этасиз. Тоза сув билан ювинишдан соғлиғингиз мустаҳкамланади. Семизлигингиздан изтиробга тушиб, музқаймоқ билан ширинликларга ружу қўйманг. Энг маъқули ўз танангизга ғамхўрлик қилинг. Бу машқлар билан чиниқиш эса саломатлигингиз гаровидир.

Буни ҳар доим ўзингизда синаб кўринг, натижасидан албатта қувонишингиз табиий.

Саҳифани САИДА ва ҲАМИДА тайёрлашди.

ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА...

ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ

МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИНИ ЯХШИЛАНГ!

Қуйидаги машқлар моддалар алмашинуви жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Қоматингизнинг семизлиги фақат овқатдан эмас, балки, моддалар алмашинувининг бузилишидан ҳам бўлиши мумкин. Қуйидаги машқларни бажарсангиз, кайфиятингиз енгил бўлиб қоматингиз тик ва ихчам бўлади.

1. Қаттиқ ерга чалқанча ётган ҳолда бир қўлингизни кўксингизга, иккинчисини эса қорнингизга қўйинг.

2. Шундай нафас олингки, қорнингиз умуртқангизга ёпишиб қолсин. Қорнингизни қанча ичга тортсангиз шунча яхши. Бу пайтда қорнингизда турган қўлингиз мушакларнинг ҳаракатини сезиши керак. Кўкрагингизга қўйган қўлингиз эса бу пайтда кўкракнинг қимирламай туришини таъминлайди. Қориннинг ичга кўпроқ тортилиши эса ўпка диафрагмасини босиб, ундаги ҳавони ташқарига чиқаришга ёрдам беради.

3. Ўпкадаги бор ҳавони ташқарига чиқариб юборгач эса, енгил нафас олинг.

4. Нафас олишда қорнингиз ва мушакларингиз сиқилиб, енгил нафас олишингизга ёрдам беради. Қорингга қўйган қўлингиз эса унинг ичга қандай тортилаётганини сезиши керак. Қорин билан нафас олинганда кўкрак қафаси қимирламайди. Ана шундагина бу машқнинг фойдасини сезишингиз мумкин.

ЕТТИ КУНДА ОЗАСИЗ!

Тиббиётчилар исботлаган ушбу парҳез туфайли етти кунда озишингиз аниқ. Аввало танангизни барча хилтлардан фориғ қилувчи қуйидаги шўрвани тайёрлаш керак бўлади.

- Икки дона пиёз, бир дона карам, 2 дона помидор, 1 дона булғор қалампири, 1 дона бақлажонни чиройли қилиб кесасиз. Тайёр бўлган сабзавотларни қайнаб турган сувга солиб 15 минут қайнатасиз. Сўнг, туз, икки дона лавр барги солиб, яна беш минут қайнатинг. У тайёр бўлгунча шивит, қора қалампир ва саримсоқпиёз бўлакларидан соласиз.

Шўрвани кун давомида иистаган пайтингизда ичишингиз мумкин. Энг муҳими, вазнингиз ошиб кетмайди.

Бир ҳафта ичида сиз 3 килодан 5 килогача озишингиз мумкин. Шўрва ичиш пайтида нон емаслик керак.

Бу парҳез шўрваси билан бирга қуйидаги маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади.



Биринчи кун - шўрва ва мевалар. Нонуштага чой ва шакарсиз қаҳва.

Иккинчи кун - картошка, ловиясиз сабзавотли шўрва. Зираворга кўкатлар ва лимон шарбати ишлатасиз.

Учинчи кун - шўрва, мевалар ва сабзавотлар.

Тўртинчи кун - шўрва, сабзавотлар ва ёғсиз творог.

Бешинчи кун - шўрва, қайнатилган гўшт ёки балиқ (қовурилгани ёки қайнатилгани).

Олтинчи кун - шўрва, сабзавотлар ва гўшт.

Еттинчи кун - балиқ, гуруч ва сабзавотлар.

Маҳфузахон БОЙМИРЗАЕВА:

"Қўшиқ – юракни шувиллатсин"...

-Маҳфуза опа, суҳбатимизни санъатга кириб келишингиздан бошласак...

-Қўшиқчи бўлишимга отам тиштирноғи билан қарши чиқиб, севимли доирамни синдириб ташлаган кезларида ҳам қўшиқ юрагимдан қайнаб-отилиб чиққан. Болалигимдан ёд бўлган халқимизнинг қадимий айтишувлари-ю термаларини ўзимча ҳиргойи қилмасам ёки қўлим бир кун доирага тегиб ёнмаса, ўтган кунимдан кўнглим тўлмасди. Танамдаги қоним ҳам қўшиқ бўлиб оқаётгандек эди гуё. Фарғона Педагогика институтини тугатгач, дастлаб иш фаолиятимни мактабда ўқитувчиликдан бошладим. Бахтимга турмуш ўртоғим ҳам санъатни қадрлайдиган киши. Илк бора Фарғонада бўлиб ўтган "Мақомчилар" фестивалига таклиф этишганида тўрт кунлик келин эдим. Нима қилишга ҳам ҳайрон бўлиб турганимда, қайнонам ва қайнотам танловга етаклаб борганлари ҳаммани ҳайратга солган. Фестивалда ғолибликни қўлга киритганимда, эртага мени катта-катта саҳналар, муҳлислар имтиҳони кутаётганлиги хаёлимга ҳам келмаган.

- Кўпчилик эстрададан кўра мумтоз қўшиқларни сел бўлиб тинглашади. Бунинг боиси нимада?

- Кўп давраларда бўлганимда одамларнинг миллий оҳангда янграган қўшиқларга эҳтиёжманд, ташна эканлиги сезилиб қолади. Халқимиз дутор, рубоб, доира ҳамоҳанглигида айтиладиган қўшиқларни соғиниб қолишган. Ҳозир ҳам доира билан куйланган мақомларни сел бўлиб тинглашади. Аввалларимиз "Ёр-ёр", "Лапар" "Айтишув"лар билан келин тўйлари ўтказиларди. Кейинги пайтларда қўшиқчиликда эстрада яйраб-яшнаб кетди. Кечагина ўз истеъдодига суяниб келган ёш санъаткор укаларим "мини диск" ёрдамида қўшиқ куйлашаяпти. Бу санъат оламига эндигина кириб келаётган ёшларни санъатга бўлган дидини пасайтирмайдими? Қўшиқчилигимизни том маънода синдирмайдими? Баъзан маза-матрасиз сўзлар қўшиққа айланиб бўтқа тайёрлайсиз. Юзга сургач. 15 минутдан кейин ювиб ташлайсиз.

Ёғли терига: 2 ош қошиқ янги творогни олиб, тенг миқдорда тарвуз шарбати билан аралаштирасиз. 1/4 чой қошиқ туз ҳам қўшасиз. Ушбу ниқобни юзга сургач, 5 дақиқадан кейин устидан яна сурасиз. Орадан 15 дақиқа ўтгач тузли илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.

Куйганда: Агар тери куйгудек бўлса, ўша жойга тарвуз шарбатининг музлатилган бўлагини босинг. 2 кундан кейин терингиз қотиб, тузала бошлайди.

- Тарвуз этини пўстидан ажратиб шиша банкага жойлаштиринг. Устини маҳкам беркитиб хона ҳароратида уч ой сақланг. Тайёр бўлгандан кейин эса шарбатга дока ботириб куйган терига 1-2 дақиқа босиб турилади. Бу муолажа қўлланган пайтда I-II даражада куйган терилар 1 ҳафтага қолмай тузалади, III даражада куйган бўлса уч ҳафтадаёқ бутунлай тузалиб кетади.

Туз йиғилганда (остеохондроз): Ваннага илиқ сув тўлдириб, 200 грамм ичимлик содаси ва 300 грамм тарвузни пўсти билан аралаштирасиз. Ушбу ваннани кун ора 20 дақиқа давомида қабул қиласиз. Муолажамуддати - 15 кун.

ДИЛРОЗ ва БАСИРА тайёрлашди.

ДИҚҚАТ!
Қорни ҳамиша дам бўладиган одамларга тарвуздан кўп ейиш тавсия этилмайди. Хотираси сусайганларга (атеросклероз) тарвуз мураббосидан истеъмол қилиш мумкин эмас.

(Боши 14 - бетда)

Сийдик пуфаги тошини тушириш: Ваннага иссиқ сув тўлдириб, тўрт соат давомида ваннада ўтирасизда, фақат тарвуз ейсиз, чанқасангиз тарвуз шарбатидан ичасиз. Сийдик пуфагингиздаги тош ёки қумнинг тушган тушмаганлигини аниқлаш учун ваннадан чиқмаслигингиз керак. Аёлларда сийдик пуфагидаги тошнинг тушиши сезилмайди, эркакларда эса бироз оғриқ бўлиши мумкин.



Тирноқни эритади: Агар бехосдан тирноғингизни ютиб юборган бўлсангиз, уч кун фақат тарвуз ейишингиз керак. Чунки, тарвуз таркибидаги дармон дорилар тирноқдаги шоҳ моддаларни эритиб юборади.

Шишганда: Тарвуз уруғини уқалаб, майдалаб устига 1:10 миқдорида совуқ сув қуйиб, таъбга қараб шакар қўшилади ва ҳар куни 1 стакандан ичилади.

Томоқ оғриғида (ангина): Бошланган кунидан бошлаб томоқни 4 маҳал тарвуз шарбати билан чайилади.

Бавосилда (геморрой): Йўғон ичакда пайдо бўлган тугунлар устига тарвуз шарбатига ботирилган пахтани қўясиз.

Сўлғин ва серажин тери учун: 2 ош қошиқ тарвуз шарбатини 1 ош қошиқ бўғдой уни билан аралаштириб,

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Тақризлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5